ИСЛОМ ҲАҚ ДИН

“Sodiqlar.com” нашрга тайёрлади

Абдурраҳмон ибн Ҳаммод Оли Умар

Муқаддима ва бағишлов

Оламлар Рабби бўлган Аллоҳга ҳамду санолар, У зотнинг барча пайғамбарларига салоту саломлар бўлсин...
Бу - нажотга чорловдир, уни борлиқдаги ҳар бир оқил эркагу аёлга тақдим этарканман, Олий ва Қодир Аллоҳдан бу билан Ўзининг йўлидан адашган кишиларни саодатга йўллашини, менга ва уни нашр этишга ўз ҳиссасини қўшган кишиларнинг ҳаммасига кўпдан-кўп ажру савоблар ато этишини сўрайман.
Эй оқил, билингки, агар яратган Раббингизни танимасангиз, Унга иймон келтирмасангиз, Унинг ўзигагина ибодат қилмасангиз, Раббингиз сизга ва барча инсониятга юборган пайғамбарингизни танимасангиз, унга иймон келтирмасангиз ва эргашмасангиз, Раббингиз сизга буюрган ҳақ динни танимасангиз, унга иймон келтирмасангиз ва унга амал қилмасангиз сизга бу дунё ҳаётида ҳам, ўлгандан кейинги охират ҳаётида ҳам на нажот, на саодат бор!
Қўлингиздаги бу китоб - "Ҳақ дин"да сизга билиш ва амал қилиш лозим бўлган катта ва муҳим ишлар баён қилинган. Унинг ҳошиясида эҳтиёжга қараб баъзи сўзлар ва масалаларнинг қўшимча изоҳларини айтиб ўтдим, буларнинг ҳаммасида Аллоҳ таолонинг Каломи ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисларига суяндим. Чунки, бу иккиси Аллоҳ ҳузурида фақат угина мақбул бўладиган ҳақ диннинг ягона манбасидир.
Кўпчиликни адаштирган кўр-кўрона тақлидни тарк этдим, балки ўзини ҳақ устида деб даъво қилувчи, аслида эса ҳақдан жуда ҳам йироқ бўлган айрим тоифаларни айтиб ўтдим, тоинки уларга билмасдан қўшилиб қолган кишилар ва бошқалар уларнинг ҳолларидан огоҳлансинлар. Аллоҳ Ўзи мададкор бўлсин, У зот нақадар яхши мададкордир!
Аллоҳ таолонинг афвига муҳтож

Абдурраҳмон ибн Ҳаммод Оли Умар

БИРИНЧИ БЎЛИМ: БУЮК ЯРАТУВЧИ АЛЛОҲНИ ТАНИШ

Эй оқил, билингки, сизни йўқдан бор қилган ва неъматлар билан тарбият қилган Раббингиз – бутун оламнинг Рабби бўлган Аллоҳдир[1]. Аллоҳ таоло[2]га иймон келтирган оқиллар Уни кўзлари билан кўрмадилар, бироқ Унинг борлигига ва бутун коинотни бошқариб турувчи Холиқ - Яратувчи эканига далолат қилувчи далилларни кўриб, шу билан Уни танидилар. Қуйида ушбу далиллардан айримларини келтирамиз:

Биринчи далил:

Коинот, инсон ва ҳаёт: Булар бошланиши ва ниҳояси бўлган ҳамда бошқага муҳтож бўлган ҳодис (яъни, кейин пайдо бўлган) нарсалардир. Ҳодис ва бошқага муҳтож бўлган нарса эса махлуқ – яратилган бўлиши зарур, махлуқ учун бир холиқ - яратувчининг бўлиши ҳам зарур. Бу буюк яратувчи – Аллоҳдир. Аллоҳ Ўзининг Холиқ ва бутун борлиқни бошқариб турувчи Зот эканини хабар берган, бу хабар У зот томонидан пайғамбарларига туширилган китобларда келган.

Аллоҳнинг пайғамбарлари Унинг Каломини одамларга етказдилар, Унга иймон келтиришга ва ёлғиз Унга ибодат қилишга даъват қилдилар. Аллоҳ таоло Ўзининг Китоби – Қуръони Каримда айтади: "Албатта Парвардигорингиз — Аллоҳ шундай зотдирки, осмонлар ва Ерни олти кунда яратиб, сўнгра Ўз аршига юксалди. У кечани (қоронғуликни) кундузга ўрар (ва кеча кундузни) шошилган ҳолда қувиб юрар. У қуёш, ой ва юлдузларни Ўз амрига бўйсундирилган ҳолда (яратди). Огоҳ бўлингизким, яратиш ва буюриш фақат Уникидир. Барча оламлар Парвардигори — Аллоҳ буюкдир" (Аъроф: 54).

Ояти кариманинг қисқача маъноси шундан иборатки, Аллоҳ таоло одамларга Ўзининг уларни яратган ва самовоту ерни олти кунда яратган[3], сўнг арши узра юксалган[4] Парвардигорлари эканини хабар бермоқда. Арш осмонлар устидадир ва у махлуқотлар ичида энг олийси ва энг каттасидир. Аллоҳ мана шу аршнинг устидадир, У Ўзининг илми, эшитиши ва кўриши билан барча махлуқот билан биргадир, уларнинг ишларидан ҳеч бири Унга махфий эмас. Аллоҳ азза ва жалла тун ўз қоронғилиги билан кунни ўраб оладиган ва унинг ортидан тезлик билан эргашиб юрадиган қилганини хабар берган, қуёшни, ойни ва юлдузларни яратганини, уларнинг ҳаммасини Унинг амрига бўйсуниб, ўз фалакларида юрадиган қилиб қўйганини хабар берган, яратиш ва амр этиш фақат Унинг иши эканини, У Ўз зоти ва сифатларида Комил, Буюк зот эканини,

давомий ва мўл-кўл яхшиликлар ато этишини, бутун оламни яратиб, Ўз неъматлари билан уларни тарбият қилиб турган Зот эканини хабар берган.
Аллоҳ таоло айтади: "Кеча ва кундуз, қуёш ва ой Унинг (танҳолиги ва қудратига далолат қиладиган) оят-аломатларидандир. Агар сизлар (Аллоҳга) ибодат қилувчи бўлсанглар, қуёшга ҳам, ойга ҳам сажда қилманглар, (балки) уларни(нг барчасини) яратган зотга — Аллоҳга сажда қилинглар!" (Фуссилат: 37).
Ояти кариманинг қисқача маъноси шуки, Аллоҳ таоло тун, кун, қуёш ва ой Унинг борлигига далолат қиладиган аломат-белгилардан эканини хабар беради, қуёш ва ойга сажда қилишдан қайтаради, чунки улар ҳам бошқа махлуқотлар каби махлуқдирлар, махлуқ эса ибодат қилинишга лойиқ эмас, сажда ҳам ибодатнинг бир тури, Аллоҳ таоло бу оятда – бошқа оятларда ҳам буюргани каби – одамларни Унинг Ўзигагина сажда қилишга буюради, чунки фақат У Холиқ, Мудаббир, ибодатга сазовор Зотдир.
Иккинчи далил:
У эркак ва аёл жинсини яратди. Эркак ва аёлларнинг борлиги Аллоҳ таолонинг борлигига далилдир.
Учинчи далил:
Тилларнинг ва рангларнинг фарқли экани: Овози бир ёки ранги бир бўлган иккита одам топилмайди, ўрталарида албатта фарқ бўлади.
Тўртинчи далил:
Насибаларнинг фарқли экани: Биров бой, биров камбағал, кимдир бошлиқ, кимдир тобеъ, ҳолбуки улардан ҳар бири ақл, фикр ва илм соҳиби ҳамда ўзига насиб бўлмаган бойлик, шараф, гўзал жуфти ҳалолга ҳарис эди. Лекин ҳеч ким Аллоҳ ўзига тақдир қилиб қўйган нарсадан бошқасига эришишга қодир бўлмайди. Бу эса Аллоҳ таоло ихтиёр этган буюк ҳикмат сабабли, яъни одамларни бир-бирлари билан имтиҳон қилиш ва ҳаммаларининг манфаатлари зое бўлмаслиги учун уларни бир-бирларига хизмат қилдириш учун шундай.
Аллоҳ бир инсонга дунёда тақдир қилмаган насибани – агар у иймон билан ўлса – жаннатдаги неъматларига қўшимча қилиб беришини хабар берган, ундан ташқари Аллоҳ таоло кўпинча камбағал одамни аксарият бойларда топилмайдиган руҳий ва жисмоний саломатлик каби имтиёзлар билан фойдалантириб қўйган бўлади. Бу эса Аллоҳ таолонинг ҳикмати ва адолатидандир.
Бешинчи далил:
Уйқу ва содиқ тушларки, Аллоҳ таоло уйқудаги одамга хушхабар ёки огоҳлантириш қилиб тушида ғайбий ишлардан баъзиларини кўрсатади.
Олтинчи далил:

Ҳақиқатини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайдиган Руҳ.

Еттинчи далил:

Инсон ва унинг жисмидаги сезги аъзолари, асаб системаси, мия, ҳазм қилиш системаси ва бошқалар.

Саккизинчи далил:

Аллоҳ ўлик, жонсиз ерга ёмғир ёғдириб, шакли ва ранги турлича, фойдаси ва таъми ҳар хил ўсимлик ва дарахтларни ўстириб чиқаради, бу Аллоҳ таоло Қуръонда зикр қилган ва ўзининг борлигига, барча коинотни яратувчиси ва бошқариб турувчиси эканига далил бўлишини хабар берган юзлаб далиллардан бир бўлаги, холос.

Тўққизинчи далил:

Аллоҳ таоло одамларни Яратувчи ва Бошқариб турувчи зот бўлмиш Аллоҳнинг борлигига иймон келтирадиган қилиб табиатлантириб қўйган фитрат-табиат. Ким буни инкор қилса, ўзини ўзи алдаган ва ўзини бахтсизликка гирифтор қилган бўлади. Масалан, коммунист бу дунёда бахтсиз бўлиб яшайди, ўлимидан кейинги оқибати эса, агар тавба қилмаса, Аллоҳга, Расулига ва динига иймон келтирмаса, уни йўқдан бор қилган ва неъматлар ато этган Раббини инкор қилгани боис, дўзах бўлади.

Ўнинчи далил:

Барака – яъни, мол-қўй каби баъзи махлуқотларнинг кўпайиб бориши ва баракасизлик, ит ва мушукларнинг кўпаймаслиги каби.

Аллоҳ таолонинг сифатларидан: У бошланиши йўқ бўлган Аввал, ўлмайдиган ва ниҳояси бўлмаган доимий Барҳаёт, бировга муҳтож бўлмайдиган, Ўзига мустақил, Беҳожат, шерики йўқ Ягонадир. Аллоҳ таоло айтади: "(Эй Муҳаммад), айтинг: У — Аллоҳ Бирдир. (Яъни Унинг ҳеч қандай шериги йўқдир. У яккаю ёлғиздир). Аллоҳ (барча ҳожатлар билан) кўзланувчидир (яъни барча ҳожатлар Ундан сўралади, аммо У ҳеч кимга муҳтож эмасдир). У туғмаган ва туғилмагандир (яъни Аллоҳнинг ўғил-қизи ҳам, ота-онаси ҳам йўқдир. У азалий ва абадий зотдир). Ва ҳеч ким У зотга тенг эмасдир" (Ихлос: 1-4).

Оятлар маъноси:

Кофирлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан Аллоҳнинг сифатлари ҳақида сўрашганида Аллоҳ таоло шу сурани туширди ва унда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни кофирларга шундай хитоб қилишга буюрди: Аллоҳ ягона, Унинг шериги йўқ, Аллоҳ давомий барҳаёт, борлиқ, одамлар ва барча нарсалар устидан мутлақ ҳукмдорлик ёлғиз Унга хос, одамлар ўз ҳожатлари билан фақат унга мурожаат қилишлари лозим.

У туғмаган ва туғилмаган, Унинг ўғил-қизи, ота-онаси бўлиши мумкин эмас, У ўзида бу сифатлар бўлишини бу ва бошқа сураларда қатъиян рад қилади, чунки туғиш ва туғилиш махлуқлар сифатидандир. Аллоҳ таоло насороларнинг: "Масиҳ Аллоҳнинг ўғли" деган сўзларини, яҳудларнинг: "Узайр Аллоҳнинг ўғли" деган сўзларини, бошқаларнинг: "Малоикалар Аллоҳнинг қизлари" деган сўзларини рад қилди, уларнинг бу ботил сўзларини ғоят қабиҳ санади.
У Ийсо Масиҳ алайҳиссаломни Ўз қудрати билан отасиз дунёга келтирганини хабар берди. Шунингдек, У башарият отаси Одамни тупроқдан яратди, башарият онаси Ҳаввони Одамнинг қовурғасидан яратди, сўнг Одам авлодини эр ва аёлнинг сувидан яратди. У аввалда барча нарсани йўқдан бор қилди, шундан сўнг махлуқотлари учун бир қонуният ва низом тузиб қўйдики, Ўзидан бошқа ҳеч ким уни ўзгартиришга қодир бўлмайди, Ўзи истаган пайт бу низомни истаганича ўзгартира олади.
Бунинг мисоли: Исо алайҳиссаломни ёлғиз онадан, отасиз яратди, уни бешикдалик ҳолида гапиртирди, Мусо алайҳиссаломнинг асосини ҳаракатланувчи илонга айлантирди, ўша асо билан денгизни урганида у иккига бўлиниб, ўртада йўл очилди ва Мусо алайҳиссалом қавми билан бирга ундан ўтиб олди, Хотамул-мурсалийн Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам учун ойни иккига бўлди, дарахтни у зотга салом берадиган қилди, ҳайвонни у зотнинг пайғамбарликларига гувоҳлик бериб, одамлар эшитадиган овозда: "Сиз Аллоҳнинг расули эканингизга гувоҳлик бераман" дейдиган қилди, у зот тунда Буроққа минган ҳолларида Масжидул-Ҳаромдан Масжидул-Ақсога сайр қилдирилдилар, сўнг фаришта Жаброил ҳамроҳлигида самога, Меърожга олиб чиқилдилар, ҳатто самовот оламининг энг юқорисига кўтарилдилар, шунда Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло у зотга сўзлади ва намозни фарз қилди, сўнг у зот ерга, Масжидул-Ҳаромга қайтиб тушдилар, йўлда эканларида ҳар бир само аҳлини кўрдилар, буларнинг ҳаммаси бир кечада, тонг отмасидан туриб содир бўлди. Исро ва Меърож қиссаси Қуръон, Ҳадис ва тарих китобларида машҳурдир.
Эшитиш, кўриш, илм, қудрат, истак-ирода Аллоҳ таолонинг сифатларидан, барча нарсани эшитади, кўради, Унинг эшитиш ва кўришини ҳеч қандай тўсиқ тўса олмайди.
Онанинг қорнидаги ҳомилани, кўнгилдаги яширин сирларни, бўлган ва бўлажак нарсаларни билади. У қодир зот, бирон нарсанинг бўлишини истаса "Бўл!" дейди, у ўша заҳоти бўлади.
Қуйидагилар У зот Ўзини сифатлаган сифатлардан:

Истаган нарсасини истаган пайт гапириши: У зот Мусо алайҳис-салоту вас-саломга гапирган, пайғамбарлар саййиди Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга гапирган, Қуръоннинг ҳарфлари ҳам, маънолари ҳам Аллоҳнинг Каломи, уни Ўзининг пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга нозил қилган, Калом У зотнинг сифатларидан, адашган муътазила фирқаси айтганидек махлуқ эмас.
Юз, икки қўл, аршга кўтарилиш (истиво), тушиш[5], рози бўлиш ва ғазабланиш ҳам У Ўзини сифатлаган ва пайғамбарлари ҳам Уни шу билан сифатлаган сифатлардандир. У мўмин бандаларидан рози бўлади, кофирларга ва Унинг ғазабини келтирувчи ишларни қилувчиларга ғазаб қилади. Розилиги ва ғазаби худди бошқа сифатлари каби, махлуқлар сифатларига ўхшамайди, таъвил қилинмайди ва қандайлиги ҳақида баҳс қилинмайди.
Қуръон ва Суннатда собит бўлганки, мўминлар қиёмат майдонида ва жаннатда Аллоҳ таолони кўзлари билан кўрадилар. Аллоҳ таолонинг сифатлари Қуръони Азимда ва Расули Карим Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисларида муфассал баён қилинган (кенгроқ маълумон учун уларга мурожаат қилинсин).

Аллоҳ инсу жинни нима учун яратгани ҳақида

Эй оқил, сизни яратган Парвардигорингиз Аллоҳ эканини билгач, шуни ҳам билишингиз лозимки, Аллоҳ сизни бекордан-бекорга яратгани йўқ, балки Ўзининг ибодати учунгина яратди. Аллоҳ таоло айтади: "Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим. Мен улардан бирон ризқ истамасман ва улар Мени таомлантиришини истамасман. Зеро Аллоҳнинг Ўзигина (барча халойиққа) ризқу рўз берувчи, куч-қувват соҳиби ва қудратлидир" (Ваз-зариёт: 56-58).
Оятнинг қисқача маъноси:
Биринчи оятда Аллоҳ таоло жин[6] ва одамзотни Ўзига ибодат қилишлари учунгина яратган эканини хабар беради. Иккинчи ва учинчи оятларда эса Ўзининг бандалардан беҳожат Зот экани, улардан бирон ризқ ҳам, таомлантиришларини ҳам истамаслигини, зеро У Раззоқ ва Қудратли эканини, бутун мавжудотга ризқ фақат Унинг тарафидан берилишини, ёмғирни ёғдирадиган ва ердан ризқларни чиқариб берадиган ҳам Унинг ўзи эканини хабар беради.
Ердаги ақлсиз жонзотларнинг барчасини Аллоҳ таоло инсон учун яратганини, инсон Аллоҳга ибодат қилишда улардан фойдаланиши ва уларда Аллоҳнинг шариатига мувофиқ тасарруф этиши лозимлигини баён қилган. Борлиқдаги ҳар бир мавжудотни, ҳар бир ҳаракату сукунатни Аллоҳ таоло Қуръонда баён

қилган ҳикмат учун яратган, у ҳикматни шариат олимларидан ҳар қайсиси ўз илми миқдорича биладилар. Ҳатто, умрларнинг, ризқларнинг, воқеа-ҳодисалар ва мусибатларнинг ҳар хил бўлиши, буларнинг ҳаммаси Аллоҳнинг изни билан, оқил бандаларини имтиҳон қилиш учун содир бўлади. Ким Аллоҳнинг қадарига рози бўлиб, таслим бўлса ва Уни рози қиладиган амаллар қилишга бел боғласа, унга Аллоҳнинг розилиги, дунё ва охират саодати бўлади. Ким Аллоҳнинг тақдирига рози бўлмаса, унга таслим бўлиб, итоат қилмаса, унга Аллоҳнинг ғазаби ва дунёю охиратдаги бахтсизлик бўлади. Аллоҳдан Унинг розилигини сўраймиз ва ғазабидан паноҳ тилаймиз.

Ўлимдан сўнг қайта тирилиш, ҳисоб қилиниш, амалларнинг жазо ва мукофотини олиш, жаннат ва дўзах

Эй оқил, Аллоҳ таоло сизни Ўзининг ибодати учун яратганини билган бўлсангиз, энди шуни ҳам билишингиз лозимки, Аллоҳ пайғамбарларига туширган барча китобларида хабар бердики, ўлганингиздан сўнг сизни албатта қайта тирилтиради, дунёда қилган амалларингизнинг жазо ё мукофотини беради. Яъни, инсон ўлиш билан амал ва фано диёридан – дунё ҳаётидан – жазо ва абадият диёрига – охиратга – кўчиб ўтади. Аллоҳ инсон учун белгилаб қўйган умр муддати тамом бўлгач малакул-мавт (ўлим фариштаси) Аллоҳнинг амри билан унинг жисмидан жонини суғуриб олади, руҳи жасадидан айрилишидан олдин у ўлим аччиқлигини тотиб кўради, сўнг вафот этади.
Аллоҳга иймон келтириб, унинг тоатида ўтган кишининг руҳини Аллоҳ таоло ноз-неъматлар диёри (Жаннат)га киритади, Аллоҳни инкор қилиб, қайта тирилиш ва ҳисоб-китобга ишонмаган кишининг руҳини эса азоб-уқубатлар диёри (Жаҳаннам)га ташлайди, то дунё тугаб, қиёмат қойим бўлгунича аҳвол шундай давом этади. Қиёмат соати етгач, бутун жонзот ўлади, Аллоҳдан бошқа ҳеч ким қолмайди. Сўнг Аллоҳ таоло барча жонзотни – ҳатто ҳайвонларни ҳам – қайта тирилтиради, ҳар кимнинг жони жасадига қайтарилади. Сўнг одамлар ҳисоб-китобга тортиладилар, эру аёл, бошлиғу тобеъ, бою камбағал, ҳамма-ҳаммаси ўзининг амалига яраша жазо ва мукофотларга эришади, Аллоҳ таоло ҳеч кимга зулм қилмайди, мазлумларга золимлардан қасос олиб берилади, ҳатто ҳайвонлар ҳам бундан четда қолмайди, уларга ҳам ўзларига зулм қилганлардан қасос олиб берилгач, қайта тупроққа айлантирилади, чунки ҳайвонлар жаннатга ҳам, дўзахга ҳам кирмайди.
Одамзот ва жинлардан ҳар ким амалига яраша жазо ва мукофотга эришади, Аллоҳ таоло Ўзига иймон келтирган, тоат-ибодатда ўтган, пайғамбарларига эргашган кишиларни – гарчи энг камбағал бўлиб яшаб ўтган бўлса ҳам – жаннатга киритади, кофирларни ва Уни ёлғон санаганларни – гарчи дунёда энг

бадавлат ва шон-шуҳрат эгаси бўлган эсаларда – дўзахга ташлайди. Аллоҳ таоло айтади: "Албатта сизларнинг Аллоҳ наздидаги энг ҳурматлироғингиз тақводорроғингиздир" (Ҳужурот: 13).
Жаннат – ноз-неъматлар ҳовлиси, ундаги неъматлар васфини келтиришга ҳеч ким қодир эмас, унда юзта даража бор, Аллоҳга бўлган иймонлари қувватига ва тоатларига қараб ҳар бир даражанинг ўз эгалари бўлади, жаннатдаги энг қуйи даража аҳлига дунё подшоҳларидан энг буюклари эга бўлган ноз-неъматлардан етмиш баробари миқдорича берилади.
Дўзах – охират диёридаги азоб-уқубат ҳовлисидир (ундан Аллоҳнинг ўзи асрасин), унда шундай азоблар борки, унинг зикридан қалблар даҳшатга тушиб, этлар жимирлаб, кўзлар ёш тўкади.
Агар охират диёрида ўлим бўлсайди, дўзахийлар дўзахни кўришлари билан ўлиб қолган бўлишарди. Лекин ўлим инсонга фақат бир марта берилади, у билан дунё ҳаётидан охират диёрига кўчиб ўтади. Қуръони Каримда ўлим, қайта тирилиш, ҳисоб-китоб, жазо, жаннат ва дўзахнинг тўла васфи келган, биз уларнинг баъзиларига ишора қилиб ўтдик, холос.
Ўлимдан сўнг қайта тирилиш, ҳисоб-китоб ва жазо борлигига кўпдан-кўп далиллар бор. Аллоҳ таоло айтади:
"Биз сизларни (ердан) яратдик, яна унга қайтарурмиз ва (қиёмат кунида) сизларни яна бир бор ундан чиқарурмиз" (Тоҳа: 55).
"У Бизга "Чириб битган суякларни ким ҳам тирилтира олур?" деб, мисол келтирди-ю, (аммо) ўзининг (бир томчи сувдан) яралганини унутиб қўйди. (Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), айтинг: "У (чириган суяк)ларни дастлаб (бир томчи сувдан) пайдо қилган зотнинг Ўзи қайта тирилтирур. У (Ўзи яратган) барча халқни билувчидир" (Ёсин: 78,79).
"Кофир бўлган кимсалар ўзларининг ҳеч қачон қайта тирилмасликларини гумон-даъво қилдилар. (Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам, уларга) айтинг: "Йўқ! Парвардигоримга қасамки, албатта қайта тирилурсизлар, сўнгра албатта сизларга қилган амалларингизнинг хабари берилур. Бу Аллоҳга осондир" (Тағобун: 7).
Оятларнинг қисқача маъноси:
Аллоҳ таоло биринчи оятда инсонни оталари Одамни тупроқдан яратган пайтда ердан яратгани, уларни ўлимдан кейин уларга ҳурмат юзасидан яна ерга-қабрларга қайтариши, яна қайта уларни ердан чиқариши, улар қабрларидан тирик ҳолларида авваларидан охиргиларигача чиқишлари ва Аллоҳ таоло уларни ҳисоб-китоб қилиши ва амалларига яраша тақдирлашини хабар бермоқда.

Иккинчи оятда Аллоҳ таоло чириб кетган суякларга қайта ҳаёт бахш этилишидан ажабланаётган, қайта тирилишни инкор қилаётган кофирга раддия бериб, У ўша суякларни қайта тирилтиришини хабар бермоқда, чунки уларни аввалда ҳам йўқдан бор қилган У зот эди.
Учинчи оятда эса Аллоҳ таоло ўлимдан кейин қайта тирилишни инкор қилаётган кофирларнинг ботил даъволарини рад этмоқда ва пайғамбарига Аллоҳ номига таъкидли қасам ичишга буюрмоқдаки Аллоҳ таоло тезда уларни қайта тирилтиради, қилган барча ишларининг хабарини беради ва қилмишларига яраша жазо ва мукофот беради бу эса Аллоҳ учун жуда осондир.
Аллоҳ таоло бошқа бир оятда қайта тирилиш ва дўзахни инкор қилган кофирларга қилинадиган хитобнинг хабарини берди: “Ўзларингиз инкор қилган ўт азобини тотинглар” (Сажда: 20)
Инсоннинг гап-сўзлари ва амаллари битиб қўйилганлиги:
Аллоҳ азза ва жалла хабар берганки, У ҳар бир инсоннинг айтадиган гап-сўзидан тортиб қиладиган яхшию ёмон, махфию ошкора амалларигача билади ва уларнинг ҳаммасини осмонлару ерни ва инсонни яратишидан олдин ўз ҳузуридаги Лавҳул-маҳфузга битиб қўйган. Шунингдек, У ҳар бир инсонга иккита фариштани вакил қилиб қўйганини, улардан бири унинг ўнг томонида туриб, яхши амалларини ёзиб туришини, иккинчиси чап томонида туриб, ёмон амалларини ёзиб туришини, бирон нарса уларнинг назаридан четда қолмаслигини хабар берган. Яна хабар берганки, ҳисоб куни ҳар бир инсонга сўзлари ва амаллари битилган китоби берилади, уларни ўқиб, ҳеч бир нарсани инкор қилолмайди. Агар бирортасини инкор қилса, Аллоҳ таоло унинг қулоғини, кўзини, қўл-оёқларини ва териларини гапиртиради, улар ўзлари билан қилинган ишларни эътироф қиладилар.
Қуръони каримда буларнинг батафсил баёни келган. Аллоҳ таоло айтади:
"У бирон сўзни талаффуз қилмас, магар (талаффуз қилса) унинг олдида ҳозиру нозир бўлган бир кузатувчи (фаришта у сўзни ёзиб олур)" (Қоф: 18).
"Ҳолбуки, шак-шубҳасиз сизларнинг устингизда (қилган ҳар бир амалингизни) ёд олиб, ёзиб турувчи улуғ (фаришта)лар бордир. Улар сизлар қилаётган ишларни билурлар" (Инфитор: 10-12).
Шаҳодат:
Гувоҳлик бераманки, бир Аллоҳдан ўзга барҳақ маъбуд йўқ. Гувоҳлик бераманки, Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Аллоҳнинг Расулидир. Гувоҳлик бераманки, жаннат ҳақ, дўзах ҳақ, қиёмат соати шак-шубҳасиз келувчидир, Аллоҳ таоло қабрдагиларни ҳисоб ва жазо учун қайта тирилтириб

чиқаради, Аллоҳ Ўзининг Китобида ва Расулининг тили билан хабар берган нарсаларнинг бари ҳақдир.
Эй оқил, мен сизни шу шаҳодатга иймон келтиришга, уни эълон қилишга ва унинг маъносига кўра амал қилишга даъват этаман. Нажот йўли шудир.

ИККИНЧИ БЎЛИМ: ПАЙҒАМБАРНИ ТАНИШ

Эй оқил, сизни яратган Раббингиз Аллоҳ эканини, У яқинда сизни бу дунёда қилган амалларингизнинг мукофот ё жазосини кўришингиз учун қайта тирилтиришини билиб ўтдингиз. Билингки, Аллоҳ сизга ва барча инсонларга элчи – пайғамбар юбориб, унга итоат қилиш ва эргашишга буюрди. Унга қандай қилиб тўғри ибодат қилиш йўлини фақат шу пайғамбарга эргашиш билан билиш мумкинлигини хабар берди.
Барча одамлар унга иймон келтиришлари ва эргашишлари шарт бўлган бу улуғ пайғамбар – пайғамбарларнинг сўнггиси ва Аллоҳнинг бутун инсониятга юборган пайғамбари Муҳаммад пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдирлар. Мусо ва Исо алайҳиссаломларга Таврот ва Инжилнинг 40дан ортиқ ўрнида у зотнинг хабарлари берилган, яҳуд ва насоролар ушбу китобларни ўзгартириб юборишларидан олдин бу хабарларни ўқишарди[7].
Аллоҳ таоло Ўзининг сўнгги пайғамбари қилган ва бутун башариятга юборган бу улуғ расул – Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Абдулмуттолиб ибн Ҳошим ал-Қураший бўлиб, ер юзидаги энг шарафли қабиладан энг шарафли ва энг ростгўй инсон эдилар. Насаблари Иброҳим пайғамбарнинг ўғиллари Исмоил пайғамбарга бориб етади. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Маккада милодий 570 йилда таваллуд топдилар.
У зот туғилган кечада, оналарининг қорнидан чиқиш лаҳзаларида борлиқни улкан нур ёритиб юбориб, одамларни ҳайратда қолдирган ва бу тарих китобларида ёзиб қолдирилган, Маккада Қурайшнинг Каъба олдидаги сиғинадиган бутлари қулаб тушган, Форс подшоҳи Кисронинг қасри силкиниб, унинг айвон (балкон)ларидан ўндан ортиғи қулаб тушган, форсларнинг ибодат қиладиган, икки минг йилдан бери ўчмай келган ўти ўчиб қолган эди.
Бу – тез орада Аллоҳдан ўзга сиғиниладиган бут-санамларни парчалаб ташлайдиган, Форс ва Румни ягона Аллоҳга ибодат қилишга ва Унинг ҳақ динига киришга чақирадиган, агар бош тортсалар издошлари билан бирга уларга қарши жиҳод қиладиган ва Аллоҳнинг нусрати билан Унинг нури бўлмиш динини ер юзига ёядиган сўнгги пайғамбари туғилгани ҳақида бутун ер юзи аҳлига Аллоҳ таоло томонидан қилинган эълон эди. Расулуллоҳ

соллаллоҳу алайҳи ва саллам пайғамбар қилиб юборилганларидан сўнг мазкур ишлар ҳақиқатан содир бўлди.

Аллоҳ таоло сўнгги пайғамбари бўлмиш Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни бошқа пайғамбарлар ичида бир неча имтиёзлар билан имтиёзлантирди:

Биринчи: У зот пайғамбарларнинг сўнггисидирлар, у кишидан сўнг пайғамбар келмайди.

Иккинчи: У зот бутун инсониятга пайғамбар қилиндилар. Барча инсонлар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг уммати, улардан ким у кишига итоат қилиб, йўлларига эргашса жаннатга киради. Ким у кишига иймон келтирмаса ва эргашмаса, у Мусога, Исога ва барча пайғамбарларга кофир бўлган бўлади. Мусо, Исо ва барча пайғамбарлар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашмаган инсондан безордирлар, чунки Аллоҳ уларга ўз умматларини Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақида хабардор қилишга, пайғамбар қилиб юборилганларида у зотга эргашишга чақиришга буюрган эди. Зеро, Аллоҳ у зот билан юборган дин барча пайғамбарларига юборган диннинг айни ўзи эди. Аллоҳ бу диннинг камолини мана шу Расули Каримнинг даврларида қилди. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам пайғамбар қилиб юборилганларидан кейин энди ҳеч ким у зот олиб келган Ислом динидан бошқа динни қабул қилиши мумкин эмас. Чунки у – Аллоҳ у билан барча динларни бекор қилган комил диндир, чунки у – ўзгартиришлардан сақланган ягона ҳақ диндир.

Аммо яҳудия ва насрония динларига ўзгартиришлар кириб кетган, улар Аллоҳ нозил қилганидек ҳолда сақланиб қолмаган. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашган ҳар бир мусулмон Мусога, Исога ва барча пайғамбарларга эргашган бўлади. Исломда бўлмаган ҳар бир киши – агарчи ўзини Мусо ё Исога эргашган деб даъво қилса ҳам – Мусога ҳам, Исога ҳам, бошқа барча пайғамбарларга ҳам кофир бўлган ҳисобланади.

Шунинг учун яҳудий ва насронийларнинг руҳонийларидан инсофлилари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга иймон келтиришга ва Ислом динига киришга шошилганлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мўъжизалари:

Уламолар сийрат китобларида Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг рисолатларининг ҳақлигига далолат қилувчи мингдан ортиқ мўъжизаларини санаганлар. Жумладан:

1) Аллоҳ таоло у зотнинг икки елкалари орасида ўстирган каптар тухумича келадиган, ортиқсимон шаклдаги хотамун-нубувват (пайғамбарлик белгиси).

2) Қуёш тиғида юрганларида у зотга булутнинг соя ташлаши.
3)Қўлларидаги тошчаларнинг тасбеҳ айтиши, дарахтнинг у зотга салом бериши.
4) Охир замонда бўладиган ҳодисалар ҳақида хабар беришлари. У зот хабар берган нарсалар ҳаммаси бирма-бир бўлиб ўтмоқда.
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг вафотларидан кейин то дунё тамом бўлгунича юз беражак ва Аллоҳ у зотга билдирган бу ғайбий ишлар ҳадис китобларида ва қиёмат аломатлари ҳақидаги китобларда, масалан, Ибн Касирнинг "Ниҳоя"сида, ҳадис китобларининг "Фитналар ва урушлар ҳақидаги боблар"ида мавжуд. Ушбу мўъжизалар ўтган пайғамбарларга берилган мўъжизаларга ўхшашдир. Бироқ, у зотни Аллоҳ таоло дунё тургунча замон саҳифаларида боқий турувчи ва бошқа пайғамбарларига ато этмаган ақлий бир мўъжиза билан хосладики, у – Қуръони Азим (Каломуллоҳ)дир, уни асрашни Аллоҳ Ўз зиммасига олган, ҳеч ким уни ўзгартиришга қодир эмас, бирон кимса унинг битта ҳарфини ўзгартиришга уринса-да у албатта билиниб қолади, мусулмонлар қўлида тарқалган Қуръоннинг миллионлаб нусхаларидан бири иккинчисидан биронта ҳарфга ҳам фарқ қилмайди. Аммо Таврот ва инжилнинг турли нусхалари мавжудки, бири иккинчисидан фарқ қилади, чунки яҳуд ва насоролар уларни ўзгартириб юборишган. Қуръонни асрашни эса Аллоҳ таоло ҳеч кимга топширмади, уни асрашга Ўзи кафолат берди. Аллоҳ таоло айтади: "Албатта бу эслатмани (яъни Қуръонни) Биз Ўзимиз нозил қилдик ва шубҳасиз, Ўзимиз уни сақлагувчимиз" (Ҳижр: 9).

Қуръон Аллоҳ таолонинг Каломи ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳнинг Расули эканига ақлий ва нақлий (Қуръондан) далиллар

Қуръон Аллоҳ таолонинг Каломи ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳнинг Расули эканига далолат қилувчи ақлий ва мантиқий далиллардан бири шуки, Қурайш кофирлари худди ўтмиш умматлар ўз пайғамбарларини ёлғончи дейишгани каби Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни ёлғончи санаб: "Қуръон Аллоҳнинг каломи эмас" деб даъво қилишгач, Аллоҳ таоло уларни худди Қуръонга ўхшаш бир китоб олиб келишга чақирди, улар фасоҳату балоғатнинг чўққисида бўлганликларига, ораларида зўр нотиқлар ва етук шоирлар бўлишига қарамай бунга қодир бўлмадилар. Сўнг Аллоҳ таоло уларни Қуръон сураларидан ўнта сура миқдорича тўқима "суралар" олиб келишга чақирди, бунга ҳам ожиз бўлдилар. Сўнг битта "сура" келтиришга чақирди, бунга ҳам ожиз бўлдилар. Шундан сўнг Аллоҳ таоло уларнинг ожизликларини, нафақат уларнинг, балки жамиики инсу жиннинг – бир-бирларига ёрдам бериб бўлса ҳам – бундан ожиз бўлишларини эълон қилди:

"Айтинг: Қасамки, агар бор инсу жин мана шу Қуръонни ўхшашини келтириш йўлида бирлашиб, бир-бирларига ёрдамчи бўлсалар-да, унинг ўхшашини келтира олмаслар" (Исро: 88).
Агар Қуръон Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ёки бошқа бирон инсоннинг каломи бўлса эди, ўша тил аҳлидан бўлган биронта фасиҳ киши унга ўхшашини келтира олган бўлар эди. Лекин у Аллоҳнинг Каломи, Каломуллоҳнинг фазли ва одамларнинг каломидан олийлиги бамисоли Аллоҳнинг одамзотдан олийлиги кабидир. Аллоҳнинг тенги бўлмагани каби Унинг Каломининг ҳам тенги йўқдир. Шу билан маълум бўладики, Қуръон Аллоҳнинг Каломи, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳнинг Расулидирлар. Чунки Аллоҳнинг Каломини Унинг ҳузуридан бўлган расул – элчигина олиб келиши мумкин. Аллоҳ таоло айтади:
"Муҳаммад сизлардан бирон (эр) кишининг отаси эмасдир, балки у Аллоҳнинг пайғамбари ва пайғамбарларнинг сўнггисидир. Аллоҳ барча нарсани билувчи бўлган зотдир" (Аҳзоб: 40).
"(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), Биз сизни шак-шубҳасиз, барча одамларга: (мўминларга жаннат ҳақида) хушхабар элтувчи, (кофирларни эса дўзах азобидан) огохлантирувчи бўлган ҳолингизда, пайғамбар қилиб юбордик. Лекин кўп одамлар билмаслар" (Сабаъ: 28).
"(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), дарҳақиқат Биз сизни барча оламларга фақат раҳмат қилиб юбордик" (Анбиё: 107).

Аллоҳга ва Унинг Расули Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга иймон келтиришга чорлов:

Эй оқил, шу боис сизни Аллоҳ таолони Парвардигор деб, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни Унинг Расули деб иймон келтиришга чорлаймиз. У зотга эргашишга, Аллоҳ таоло у зот билан юборган шариатга амал қилишга чақирамиз. У – манбаи Қуръони Карим ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадислари бўлган Ислом динидир. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳ буюрган нарсани буюрадилар, Аллоҳ қайтарган нарсадан қайтарадилар. Шундай экан, чин дилдан: "Аллоҳнинг Ўзигина менинг Раббим ва Илоҳим, деб иймон келтирдим, Муҳаммад Аллоҳнинг Расули эканига иймон келтирдим" деб айтинг. Зеро, нажот фақат шундадир. Аллоҳ мени ҳам, сизни ҳам саодат ва нажотга муваффақ қилсин. Омиин.

УЧИНЧИ БЎЛИМ: ҲАҚ ДИН – ИСЛОМНИ ТАНИШ

Эй оқил, билингки, сизнинг Аллоҳ таологa ва Унинг Расулига бўлган иймонингиз то Ислом динини таниб, унга иймон келтириб, унга амал қилмагунингизча ҳақиқий ҳисобланмайди. Чунки, у Аллоҳ таоло ихтиёр этган, пайғамбарларини унга буюрган ва сўнгги пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни бутун инсониятга у билан юборган ва унга амал қилишни вожиб қилган диндир.

ИСЛОМНИНГ ТАЪРИФИ

Хотамул мурсалийн ва Аллоҳнинг бутун инсониятга юборган элчиси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: "Ислом – Бир Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад Аллоҳнинг Расули деб гувоҳлик беришинг, намозни тўкис адо этишинг, закот беришинг, Рамазон ойининг рўзасини тутишинг ва йўлига қодир бўлсанг Байтуллоҳни ҳаж қилишинг" (Муттафақун алайҳ).
Ислом – Аллоҳ уни барча инсонларга буюрган, Аллоҳнинг пайғамбарлари унга иймон келтирган ва Аллоҳга бўйсунишларини эълон қилган, Аллоҳ таоло уни ҳақ дин деб, ундан ўзга ҳеч бир динни ҳеч кимдан қабул қилмаслигини эълон қилган оламшумул диндир. Аллоҳ таоло айтади:
"Албатта Аллоҳ наздида мақбул бўладиган дин фақат Ислом динидир" (Оли Имрон: 19).
"Кимда-ким Исломдан ўзга дин истаса, бас (унинг "дини" Аллоҳ ҳузурида) ҳаргиз қабул қилинмайди ва у охиратда зиён кўрувчилардандир" (Оли Имрон: 85).
Шунинг учун барча пайғамбарлар Аллоҳга исломларини – яъни бўйсунишларини – эълон қилдилар ва Исломни қабул қилмаган кишилардан безорлик эълон қилдилар, барчалари Исломга даъват қилдилар, чунки Аллоҳ барчаларини шу дин билан юборган. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам пайғамбар бўлганларидан кейин энди то қиёматгача яшаб ўтадиган ҳар бир инсон Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни Аллоҳнинг Расули деб иймон келтирмагунича ва Аллоҳ у зотга туширган Қуръонга амал қилмагунича ўзини Аллоҳга бўйсинувчи – муслим – деб аташи тўғри бўлмайди. Аллоҳ таоло айтади:
"Айтинг (эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам): Агар Аллоҳни севсангиз, менга эргашинглар. Шунда Аллоҳ сизларни севади ва гуноҳларингизни мағфират қилади. Аллоҳ (гуноҳларни) мағфират қилувчи, меҳрибондир" (Оли Имрон: 31).
Аллоҳ таоло Ўзининг Расули Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни бутун инсониятга у билан юборган комил ва шомил дин – Ислом шудир. Аллоҳ

бандаларига уни дин деб танлади, ундан ўзга бирон дин Унинг ҳузурида мақбул бўлмайди. Аллоҳ таоло айтади: "Бугун сизларга динингизни комил қилдим, неъматимни бенуқсон, тўкис қилиб бердим ва сизлар учун (фақат) Исломни дин қилиб танладим" (Моида: 3).

ИСЛОМНИНГ РУКНЛАРИ

Ислом беш рукн устига барпо бўлган, инсон то шу рукнларга иймон келтириб, уларни адо этмагунича ҳақиқий мусулмон бўлмайди. Улар қуйидагилар:
1) Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадун расулуллоҳ деб гувоҳлик бериш;
2) Намозни тўкис адо этиш;
3) Закот бериш;
4) Рамазон рўзасини тутиш;
5) Йўлига қодир бўлса Байтуллоҳни ҳаж қилиш.[8]

Биринчи рукн: Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадун расулуллоҳ деб гувоҳлик бериш:

Бу шаҳодатнинг мусулмон киши билиши ва унга амал қилиши лозим бўлган маъноси бор. Тил билангина айтиб қўйиб, маъносини билмаслик ва унга амал қилмаслик бефойдадир. "Ла илаҳа иллаллоҳ" маъноси – еру осмонда Аллоҳдан ўзга ибодатга сазовор барҳақ маъбуд йўқ, Угина ҳақиқий илоҳ, Ундан ўзга ҳар қандай олиҳалар ботил, демакдир.
Аллоҳдан бошқага ибодат қилувчи киши – гарчи унинг сиғинаётган нарсаси набий ёки валий бўлса ҳам, бу билан Аллоҳга яқинлашишни ва уларни Аллоҳ билан ўз ўртасида воситачи қилишни истаган бўлса ҳам – кофир ва мушрик ҳисобланади. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларга қарши жанг қилган мушриклар набий ва валийларга мана шу даъво билан сиғинишарди, лекин уларнинг бу даъволари ботил даъводир. Зеро, Аллоҳ таолога яқинлашиш ва бу мақсадда Унга бирон нарсани восита қилиш ибодатни Ундан ўзгага қилиш билан бўлмайди, балки Унинг исм ва сифатлари билан, У зот буюрган солиҳ амалларни қилиш билан, яъни намоз ўқиш, садақотлар бериш, зикр, рўза, жиҳод, ҳаж, ота-онага яхшилик қилиш каби ишларни қилиш билан бўлади, бир мўминнинг бошқа бир мўмин биродари ҳаққига дуо қилиши билан бўлади.

Ибодатнинг турлари кўп. Дуо ҳам шу жумладандир:

Дуо – Аллоҳдан ўзгаси қодир бўлмайдиган, ёмғир ёғдириш, дардга шифо бериш, ғам-қайғу ва мусибатларни аритиш каби, шунингдек жаннатни сўраш ва

дўзахдан паноҳ тилаш, фарзанд, ризқ, бахт-саодат талаб қилиш каби ҳожатларни сўрашдир.
Бу каби ҳожатлар фақат Аллоҳнинг Ўзидан сўралади. Кимда ким бандадан – у хоҳ тирик, хоҳ дунёдан ўтиб кетган бўлсин – шу каби ҳожатларини сўраб дуо қилса, ўша бандага ибодат қилган бўлади. Аллоҳ таоло бандаларини ёлғиз Унинг Ўзига дуо қилишга буюриб, дуо ибодат эканини, ким уни Аллоҳдан бошқага қилса дўзах аҳлидан бўлишини хабар бериб айтади:
"Парвардигорларингиз: "Менга дуо-илтижо қилинглар. Мен сизларга (қилган дуоларингизни) мустажоб қилурман", деди. Албатта Менга ибодат қилишдан кибр-ҳаво қилган кимсалар яқинда бўйинларини эгган ҳолларда жаҳаннамга кирурлар" (Ғофир: 60).
Ўзидан бошқалар бировга фойда ҳам, зиён ҳам етказолмаслигини хабар бериб айтади:
"(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам, мушрикларга) айтинг: "(Аллоҳдан) ўзга (илоҳ) деб гумон қилган кимсаларингизни чорланглар! Улар сизлардан бирон зиённи арита олмаслар ва (уни сизлардан бошқаларга) буриб ҳам юбора олмаслар. Улар (илоҳ деб) илтижо қиладиган ўша кимсаларнинг ўзлари ҳам Парвардигорга қай бирлари яқинроқ бўлиш учун йўл изларлар. У зотнинг раҳмат-марҳаматидан умидвор бўлурлар, азобидан қўрқурлар. Парвардигорингизнинг азоби қўрқинчлидир" (Исро: 56-57).
Яна айтади: "Албатта (барча) масжидлар Аллоҳникидир. Бас, (масжидларда) Аллоҳ билан бирга яна бирон кимсага дуо-илтижо қилманглар!" (Жин: 18).

Қон чиқариш, назр ва қурбонликлар қилиш ҳам ибодат турларидан:

Аллоҳдан бошқага атаб қон чиқариш, қурбонлик ва назрлар қилиш дуруст эмас. Ким Аллоҳдан бошқага, яъни масалан қабрга ё жинларга атаб сўйса, Аллоҳдан бошқага ибодат қилган бўлади ва Аллоҳнинг лаънатига дучор бўлади. Аллоҳ таоло айтади: Айтинг (эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам): "Албатта, намозим, ибодатларим, ҳаёту мамотим бутун оламларнинг Парвардигори бўлмиш Аллоҳ учундир. У зотнинг биронта шериги йўқдир. Мана шунга (яъни ягона Аллоҳга ихлос-ибодат қилишга) буюрилганман. Ва мен бўйсинувчиларнинг аввали — пешқадамиман" (Анъом: 162-163).
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: "Аллоҳдан бошқага атаб сўйган кишини Аллоҳ лаънатлади" (Имом Муслим ривояти).
Агар биров: "Фалон ишим амалга ошса фалон пиримга атаб шунча садақа қилишни ёки шундай-шундай нарса қилишни назр қилдим" деса, бу Аллоҳга ширк келтириш бўлади, чунки у бандага назр қилди, назр эса ибодат, уни Аллоҳдан ўзгага қилинмайди. Тўғри назр шундай бўладики: "Агар фалон ишим

амалга ошса Аллоҳ йўлида шунча садақа қилишни ёки шундай-шундай ибодатлар қилишни назр қилдим" дейди.

Ёрдам ва мушкилни аритишни сўраш, мадад тилаш, паноҳ тилаш ҳам ибодат турларидан:

Аллоҳдан бошқадан мадад тилаш, ёрдам талаб қилиш ва паноҳ тилаш мумкин эмас. Аллоҳ таоло айтади:
"Сенгагина ибодат қиламиз ва Сендангина мадад сўраймиз" (Фотиҳа: 5).
"(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), айтинг: "Мен тонг Парвардигоридан (менга) Ўзи яратган нарсаларнинг ёмонлигидан; зулматга чўмган кечанинг ёмонлигидан, тугунларга дам солувчи (жодугар)ларнинг ёмонлигидан ва ҳасад қилаётган ҳасадгўйнинг ёмонлигидан паноҳ беришини сўраб илтижо қилурман" (Фалақ: 1-5).
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: "Мушкилни аритиш мендан сўралмайди, уни фақат Аллоҳдан сўралади" (Табароний ривоят қилган).
Яна айтганлар: "Сўрасанг, Аллоҳдан сўра! Мадад тиласанг, Аллоҳдан тила!" (Термизий ривоят қилган).
Тирик ва ҳузурида бор бўлган инсондан ёрдам ва кўмак сўраши мумкин, шунда ҳам унинг қўлидан келадиган нарсада ёрдам сўралади. Аммо паноҳ тилашга келсак, Аллоҳдан ўзгадан паноҳ тилаш мумкин эмас. Дунёдан ўтиб кетган ёки ғойиб одамдан мадад сўраб бўлмайди, чунки у агарчи пайғамбар ё авлиё ё фаришта бўлган тақдирда ҳам, қўлидан бирон иш келмайди.
Ғайбни Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди, ким ғайбни билишни даъво қилса у кофир ва ёлғончидир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: "Ким фолбин ё башоратчи ҳузурига бориб, у айтган гапни тасдиқласа, Муҳаммадга туширилган нарсага кофир бўлибди" (Имом Аҳмад ва Ҳоким ривоятлари).

Таваккул қилиш, умид қилиш ва қўрқиш ҳам ибодат турларидан:

Инсон Аллоҳдан бошқага таваккул қилиши, Аллоҳдан бошқадан умидвор бўлиши, Аллоҳдан бошқадан қўрқиши жоиз эмас.
Афсуски, мусулмонлик даъвосидаги кишилардан кўплари Аллоҳга ширк келтиришади, ҳали ҳаёт бўлган ёки ўтиб кетган улуғ кишиларга, азиз-авлиёларга дуо қилишади, қабрларини тавоф қилишади, ҳожатларини улардан сўрашади. Бу Аллоҳдан бошқага ибодатдир, бундай қилган одам – мусулмончилик даъво қилса ҳам, "Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадун

Расулуллоҳ" деб айтса ҳам, намоз ўқиса, рўза тутса ва ҳаж қилса ҳам – мусулмон ҳисобланмайди. Аллоҳ таоло айтади:

"Дарҳақиқат сизга ҳам, сиздан аввалги (пайғамбарларга ҳам шундай) ваҳий қилингандир: "Қасамки: агар мушрик бўлсанг, албатта қилган амалинг беҳуда кетур ва албатта зиён кўргувчилардан бўлиб қолурсан!" (Зумар: 65).

"Албатта кимда-ким Аллоҳга ширк келтирса, Аллоҳ унга жаннатни ҳаром қилур ва борар жойи дўзах бўлур. Зулм қилувчилар учун бирон ёрдамчи бўлмас" (Моида: 72).

Аллоҳ таоло Ўзининг расули Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга шундай амр қилди:

"(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам, Уларга) айтинг: Ҳеч шак-шубҳа йўқки, мен ҳам сизлар каби бир одамдирман. Менга илоҳингиз ёлғиз Аллоҳнинг Ўзи экани ваҳий этилмоқда. Бас, ким Парвардигорига рўбарў бўлишидан умидвор бўлса, у ҳолда яхши амал қилсин ва Парвардигорига бандалик қилишда бирон кимсани (унга) шерик қилмасин!" (Каҳф: 110).

У жоҳилларни диннинг айрим фаръий масалаларини ўқиб олган ва диннинг асоси бўлган тавҳиддан бехабар бўлган адашган бузуқ олимлар йўлдан урганлар, жоҳилликлари туфайли шафоат ва васила маъноларини суиистеъмол қилиб, уларни ширкка чақиришади. Уларнинг бундаги ҳужжатлари баъзи оят ва ҳадисларни бузиб талқин қилиш, китобларида ёзилган ҳар хил ҳикоятлар,тўқима ҳадислар, тушда аён бўлган башоратлар ҳақидаги ривоятлар ва шунга ўхшаган залолатларки, Аллоҳдан бошқага сиғинишларини қувватлаш учун шайтонга ва нафс-ҳаволарига эргашиб, илгариги мушриклар каби ота-боболарига кўр-кўрона тақлид қилиб, шу нарсаларни далил қилиб келтиришади.

Аллоҳ таоло: "Унга яқин бўлиш учун васила (йўл) излангиз" (Моида: 35) сўзи билан излашимизга буюрган василадан мурод – Аллоҳнинг тавҳиди, намоз, садақа, рўза, ҳаж, жиҳод, амри маъруф, наҳий мункар, силаи раҳм каби ишлардир. Қийинчилик ва машаққат пайтларида ўликларга дуо қилиб, улардан ёрдам сўраш – Аллоҳни қўйиб, уларга ибодат қилиш бўлади.

Аллоҳ таоло шафоат қилишларига изн берадиган набийлар, валийлар ва солиҳ мусулмон кишиларнинг шафоат қилишларига иймон келтирамиз, аммо шафоат ўликлардан талаб қилинмайди. Чунки у Аллоҳнинг ҳаққи, ҳеч кимга Унинг изнисиз ҳосил бўлмайди. Шундай экан, Аллоҳнинг ягоналигига иймони бўлган мўмин одам: "Эй Парвардигор, менга расулингни ва солиҳ бандаларингни шафоатчи қил" дейиши жоиз бўлади, бироқ вафот этиб кетган шахсга хитоб қилиб: "Эй Фалончи, мени шафоат қилинг" дейиш асло жоиз эмас. Аллоҳ таоло айтади: "Айтинг: Барча шафоат-оқлов ёлғиз Аллоҳникидир. Осмонлар ва

ернинг подшоҳлиги ҳам Уникидир. Сўнгра (барчаларингиз) ёлғиз Унгагина қайтарилурсизлар" (Зумар: 44).
Қабрлар устига масжидлар қилиш, чироқлар ўрнатиш, улар устига сағаналар қуриш, уларни суваш, қабртошлар ўрнатиш, улар устини ёпқичлар билар ўраш, қабристонда намоз ўқиш каби ишларнинг ҳаммаси Исломга зид бўлган ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қайтарган бидъатлардандир, чунки бу ишлар қабр эгаларини илоҳийлаштиришга олиб боради.
Демак, маълум бўладики, кўпгина диёрларда жоҳил кимсалар қабрлар олдида қиладиган ширк амаллари, чунончи Мисрдаги Бадавий ва саййида Зайнаб қабрларида, Ироқдаги Жийлоний қабрида, Нажаф ва Карбалодаги аҳли байт розияллоҳу анҳумга нисбат бериладиган қабрлар олдида[9] уларни тавоф қилиш, унда ётганлардан ҳожатларини талаб қилиш, улар фойда ё зарар етказишга қодир деб эътиқод қилишлар Аллоҳга ширк келтириш жумласидандир.
Ундай амалларни қиладиган кимсалар гарчи Исломни даъво қилсалар, намоз ўқисалар, рўза тутсалар, ҳаж қилсалар, "Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадун расулуллоҳ" деб айтсалар ҳам мазкур ишлари сабабли мушрик ва адашган ҳисобланадилар. "Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадун расулуллоҳ" деб тил билан айтиб қўйган билан то унинг маъносини билиб, унга амал қилмагунча киши муваҳҳид (тавҳид аҳлидан) деб эътибор қилинмайди. Аммо Исломда бўлмаган одам илк бор мазкур калималарни айтиш билан Исломга кириб, мусулмонлар сафидан ўрин олади. Анбиё ва авлиёлар[10] ўзларига дуо қилиб, мадад сўрайдиган одамлардан безорлар. Чунки, Аллоҳ таоло пайғамбарларни одамларни ёлғиз Унинг Ўзига ибодат қилишга ва набий, валий ва бошқаларга ибодатни тарк қилишга даъват қилиш учун юборган.
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга ва у зотга эргашувчи авлиёларга бўлган муҳаббат уларга сиғинишда кўринмайди, чунки уларга сиғиниш – уларга адоват қилиш демакдир. Уларга бўлган муҳаббат уларга эргашишда, уларнинг йўлларида юришда кўринади. Ҳақиқий мусулмон анбиё ва авлиёларни севади, лекин уларга сиғинмайди. Биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга бўлган муҳаббат зиммамиздаги вожиб эканига ва у ўз нафсимиз, аҳлу авлодимиз ва барча инсонларга бўлган муҳаббатдан юқори туриши лозимлигига ишонамиз.

Нажот топувчи фирқалар:

Мусулмонларнинг саноғи кўп, бироқ ҳақиқий мусулмонлар кам. Исломга мансуб тоифаларнинг саноғи 73 фирқа, уларга аъзо бўлганларнинг сони эса бир миллиарддан ортиқ. Лекин ҳақиқий мусулмон тоифа битта, у – Аллоҳга иймон келтириб, ақида ва амалда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва у

зотнинг асҳоблари йўлида юрадиган кишилардир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳақда шундай деганлар: "Яҳудлар етмиш бир фирқага бўлиниб кетишди, насоролар етмиш икки фирқага бўлиниб кетишди, бу уммат етмиш уч фирқага бўлиниб кетади, уларнинг ҳаммаси дўзахда, фақат биттаси (ундан нажот топади)". Саҳобалар: "У тоифа кимлар ё Расулуллоҳ?" деб сўраганларида: "Бугун мен ва саҳобаларим тутган йўлни тутадиган кишилар" деб жавоб бердилар (имом Термизий ривояти).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва у зотнинг саҳобалари тутган йўл – "Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадун расулуллоҳ"нинг маъносига эътиқод қилиш ва унга амал қилиш, яъни Аллоҳнинг Ўзига дуо қилиш, Аллоҳнинг Ўзига атаб қурбонлик ва назрлар қилиш, Аллоҳнинг Ўзидангина мадад, ёрдам ва паноҳ тилаш, фойда ва зарарни фақат У етказишга қодир деб эътиқод қилиш, Ислом рукнларини ихлос билан адо этиш, Аллоҳнинг малоикалари, китоблари ва расулларини тасдиқлаш, қайта тирилиш, ҳисоб-китоб, жаннат ва дўзахга, қадарнинг яхшисию ёмони Аллоҳдан эканига иймон келтириш, ҳаётнинг барча тармоқларида Қуръон ва Суннатни ҳоким қилиш ва улардаги ҳукмларга рози бўлиш, Аллоҳнинг дўстларини дўст тутиш ва душманларини душман тутиш, Аллоҳга ва Унинг йўлида жиҳод қилишга даъват қилиш ва шу йўлда жамланиш, мусулмон раҳбар яхшиликка буюрса унга итоат қилиш, қаерда бўлмасин фақат ҳақни сўзлаш, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аҳли ва аёлларини севиш ва дўст тутиш, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг асҳобларини севиш ва уларни фазилатлари миқдорига қараб муқаддам қўйиш, барчаларига Аллоҳнинг розилигини сўраш, улар ўртасида бўлиб ўтган келишмовчиликлардан кўз юмиш, уларнинг баъзилари ҳақида мунофиқлар айтадиган айбловларни тасдиқламасликдир.

Ўзларини аҳли байтдан, яъни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам авлодидан деб даъво қиладиган ва саййидлар деб аталадиган кишилар ўз насабларининг ҳақиқийлигини текшириб, ишонч ҳосил қилиб олишлари зарур бўлади, чунки Аллоҳ таоло ўз отасидан бошқага нисбатланган одамни лаънатлаган. Агар насаблари ҳақиқий экани аниқ бўлса, улар тавҳидда, маъсиятларни тарк қилишда, одамларнинг уларга эгилишларига ва оёқларини ўпишларига рози бўлмасликда, бошқа мусулмонлардан махсус кийимлар билан ажралиб турмасликда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ва у зотнинг аҳли байтидан ўрнак олишлари лозим бўлади. Чунки бу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўлларига зид ишдир, у зот бундан покдирлар. Аллоҳнинг ҳузурида энг мукаррам инсон тақводор кишидир. Набийимиз Муҳаммадга, у зотнинг аҳли ва асҳобига салавот ва саломларимиз бўлсин!

ҲУКМ ВА ҚОНУНЧИЛИК ФАҚАТ АЛЛОҲНИНГ ҲАҚҚИДИР
ҚАЕРДА ШАРИАТ БАРПО БЎЛСА, ЎША ЕРДА АДОЛАТ, РАҲМ-ШАФҚАТ ВА ФАЗИЛАТ ҲУКМРОН БЎЛАДИ

"Ла илаҳа иллаллоҳ"нинг эътиқод қилиш ва амал қилиш шарт бўлган маъноларидан бири – ҳукм ва қонун чиқариш ягона Аллоҳнинг ҳаққидир, ким бўлишидан қатъий назар ҳеч ким Аллоҳнинг шариатига зид бўлган қонунни тузиш ва татбиқ қилишга ҳақли эмас. Мусулмон киши Аллоҳ нозил қилган нарсадан бошқаси билан ҳукм қилиши ва Аллоҳнинг шариатига зид бўлган ҳукмга рози бўлиши жоиз эмас. Аллоҳ ҳаром қилган нарсани ҳалол қилишга ва Аллоҳ ҳалол қилган нарсани ҳаром қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Ким қасддан шундай қилса ёки шунга рози бўлса, у Аллоҳга кофир бўлади. Аллоҳ таоло айтади: "Кимда-ким Аллоҳ нозил қилган дин билан ҳукм қилмас экан, бас, улар кофирлардир" (Моида: 44).

Пайғамбарларга Аллоҳ таоло тарафидан юклатилган вазифа – одамларни тавҳид калимасига (Ла илаҳа иллаллоҳга) даъват қилиш ва бу калима мазмунига кўра амал қилишга, яъни Аллоҳнинг ёлғиз Ўзига ибодат қилишга, махлуқларга ва уларнинг шариати-қонунларига сиғинишдан Холиққа ва Унинг шариатига ўтишга чорлаш эди.

Қуръони Каримни тадаббур билан, кўр-кўрона тақлиддан йироқ ҳолда ўқиган киши биз баён қилиб ўтган нарсанинг тамомила ҳақ эканини тўла-тўкис идрок этади. Яна Аллоҳ таоло инсоннинг У билан бўлган алоқасини ҳамда халқлар билан бўлган алоқасини чегаралаб бергани, мўмин бандасининг У билан бўлган алоқаси – ибодатнинг барча турлари билан фақат Унинг ўзига ибодат қилишлари эканини, пайғамбарлари ва солиҳ бандалари билан бўлган алоқаси – уларни севиш ва уларга эргашиш эканини, кофир душманлари билан бўлган алоқаси – уларни Аллоҳ ёмон кўргани учун ёмон кўриш, шундай бўлса-да уларни шоят ҳидоятланиб қолсалар деб Исломга даъват қилиш, агар Исломни ва Аллоҳнинг ҳукмига бўйсунишни рад этсалар, ерда фитна авж олмаслиги ва дин Аллоҳники бўлиши учун уларга қарши жиҳод қилиш бўлишини белгилаб берганини идрок этади. Мусулмон киши ҳақиқий мусулмон бўлиш учун тавҳид калимаси (Ла илаҳа иллаллоҳ)нинг ушбу маъноларини яхши англамоғи ва уларга амал қилмоғи лозим бўлади.

"Муҳаммадун Расулуллоҳ" деб гувоҳлик бериш маъноси:

"Муҳаммадун Расулуллоҳ" деб гувоҳлик бериш маъноси – Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳнинг бутун инсониятга юборган элчиси, у

ибодат қилинишга ҳақли бўлмаган бир банда, ёлғон сўзламайдиган элчи, унга итоат қилиш ва эргашиш лозим, унга итоат қилган одам жаннатга, осий бўлган одам дўзахга киради, деб билиш ва эътиқод қилиш, шунингдек, қонунларни қабул қилиш – улар хоҳ Аллоҳ буюрган ибодатлар хусусида бўлсин, хоҳ ҳукм чиқариш ва қонунчилик низомида бўлсин, хоҳ ҳалол ва ҳаром қилиш тўғриларида бўлсин – фақат мана шу улуғ пайғамбар Муҳамад соллаллоҳу алайҳи ва саллам орқали бўлиши лозим, чунки у зот Аллоҳнинг шариатини етказувчи элчисидирлар, мусулмон киши у зот орқали келган қонунлардан бошқа ҳар қандай қонунни қабул қилиши жоиз эмас, деб билиш ва эътиқод қилишдир. Зеро, Аллоҳ таоло айтади:

"Пайғамбар сизларга нимани келтирган бўлса, уни олинглар, нимадан қайтарган бўлса, ундан қайтинглар" (Ҳашр: 7).

"Йўқ, Парвардигорингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишмовчиликларда сизни ҳакам қилмагунларича ва кейин сиз чиқарган ҳукмдан дилларида ҳеч қандай танглик топмай, тўла таслим бўлмагунларича - бўйинсунмагунларича зинҳор мўмин бўла олмайдилар" (Нисо: 65).

Нидо:

Эй оқил, "Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадун расулуллоҳ" маъносини англаган бўлсангиз ва бу шаҳодат Исломнинг калити ҳамда унинг асоси-пойдевори эканини билган бўлсангиз, энди чин дилдан: "Ашҳаду ан ла илаҳа иллаллоҳ ва ашҳаду анна Муҳаммадан расулуллоҳ" деб айтинг, дунёю охират саодатига эришиш ва ўлгандан сўнг Аллоҳнинг азобидан қутулиш учун ушбу шаҳодат маъносига амал қилинг.

Билингки, Исломнинг бошқа барча рукнларига амал қилиш ҳам "Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадун расулуллоҳ" деган шаҳодат талабидир. Чунки Аллоҳ таоло мусулмон киши бу рукнларни сидқидил ва ихлос билан адо этиш билан Ўзига ибодат қилиши учун уларни фарз қилди, ким бу рукнлардан бирортасини шаръий узрсиз тарк этса "Ла илаҳа иллаллоҳ " маъосига путур етказган бўлади ва унинг шаҳодати яроқли ҳисобланмайди.

[8] Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: "Ислом беш асос устига қурилган: "Ла илаҳа иллаллоҳ" ва "Муҳаммадун Расулуллоҳ" деб гувоҳлик бериш, намозни тўкис адо этиш, закотни бериш, Байтуллоҳни ҳаж қилиш ва Рамазонда рўза тутиш" (Муттафақун алайҳ).

[9] Баҳовуддин Нақшбанд, имом Бухорий қабрлари ва булардан бошқа ўнлаб сағаналар.

[10] Аллоҳнинг авлиёлари (дўстлари) Уни ёлғиз билувчи ва Унга итоат қилувчи, Унинг Расулига эргашувчи кишилардир. Улар ичида илм ва жиҳодлари сабабли машҳур бўлган кишилар ҳам, танилмаган кишилар ҳам бор.

Машҳур бўлганлари ҳам одамлар уларни муқаддас санашларига рози бўлмайдилар. Ҳақиқий авлиёлар ўзларини авлиё деб даъво қилмайдилар, балки ўзларини айб-нуқсондан холи бўлмаган банда деб ҳисоблайдилар. Уларнинг махсус либослари ёки махсус шакл-шамойили бўлмайди, бу борада улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан намуна олишга тиришадилар. Аллоҳга иймон келтирган, Унинг расулига эргашган ҳар бир муслим ўзининг салоҳияти ва тоатининг оз-кўплигига қараб Аллоҳга валий-дўст бўлади. Демак, шундан маълум бўладики, ўзларини авлиё деб даъво қиладиган, одамлар уларни муқаддас санаши ва улуғлаши учун махсус либослар кийиб оладиган кишилар авлиёуллоҳ эмас, аксинча, каззоб кимсалардир.

[7] Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақларида Таврот ва Инжилда келган башоратлар шайхулислом Ибн Таймиянинг "Ал-жавабус-саҳиҳ лиман баддала дийнал-Масиҳ" китобида, шунингдек аллома Ибнул Қоййимнинг "Ҳидоятул-ҳаёро", Ибн Ҳишомнинг "Сийратун-набавия", Ибн Касирнинг "Тарих" китобларида келтирилган.

[1] Аллоҳ – бутун борлиқнинг ягона маъбудининг исми, У Ўзини шу исм билан номлаган, "барҳақ маъбуд" маъносини англатади.

[2] Таоло – Аллоҳни улуғлаш ва мақташ, Уни олийлик билан сифатлаш калимасидир. Субҳанаҳу – Аллоҳ пок ва муқаддас, деган маънони англатади.

[3] Борлиқни бу тариқа босқичма-босқич яратиши У зотнинг иродасига боғлиқ бўлган ҳикмат сабаблидир. Йўқса, У мавжудотнинг ҳаммасини кўз очиб-юмгунчалик вақт ўтмасидан яратиб қўйишга қодир. Зеро, Ўзининг бирор нарсани яратишни истаса, унга: "Бўл" деб амр этиши кифоялигини ва у нарса ўша заҳоти бўлишини хабар берган.

[4] Қуръон тили бўлмиш араб тилида бир нарсага истиво қилиш (إستوى عليه) – унинг устига кўтарилиш ва юксалиш маъносини англатади. Аллоҳнинг Ўз арши узра истиво қилиши – унинг устига Ўзининг жалолатига лойиқ бўлган ва Ўзидан бошқа ҳеч ким билмайдиган равишда юксалиши ва ўрнашишидир. "Иставо"нинг маъноси – Аллоҳ Ўзини у билан сифатлаган, пайғамбари ҳам Уни шу билан сифатлаган сифатларини инкор қиладиган, Аллоҳнинг сифатларини ҳақиқий маъносида исбот қилсак, Уни махлуқотларга ўхшатиб қўйган бўламиз дейдиган айрим адашган кимсалар даъво қилганидек: (إستولى) "Иставло – эгаллади, мулкни қўлга киритди" маъносида эмас. Бу - фосид даъводир. Чунки, ташбеҳ – ўхшатиш махлуқларнинг сифатларидан бирортасига ўхшатиш билан бўлади, аммо бир сифатни Аллоҳга Унга лойиқ бўлган равишда, ташбеҳсиз, такйифсиз, таътилсиз, таъвилсиз исбот қилиш – пайғамбарларнинг, бинобарин

салафи солиҳнинг йўлидир ва бу – гарчи кўпчилик тарк этса-да, мўмин киши маҳкам тутиши лозим бўлган ҳақ йўлдир.
[5] Ҳадисда борки: "Раббимиз кечанинг охирги учдан бир бўлаги қолганда дунё осмонига тушади..."
[6] Жинлар ақлли мавжудот бўлиб, Аллоҳ таоло уларни ҳам худди одамзот каби Ўзининг ибодати учун яратган, улар ерда одамлар орасида яшайдилар, бироқ кўзга кўринмайдилар.

ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ

Ислом рукнларидан иккинчи рукн – намоз:

Эй оқил, билингки, Ислом рукнларидан иккинчиси – бир кеча-кундузда беш вақт намозни адо этишдир. Намозни Аллоҳ таоло Ўзи билан мусулмон ўртасида алоқа тикланиши учун фарз қилдики, унда мусулмон киши Аллоҳга нидо ва дуо қилади, у мусулмон кишини фаҳшу мункарлардан қайтаради, у сабабли мусулмон кишида дунёю охират саодатига эриштирадиган руҳий ва жисмоний роҳат ҳосил бўлади.

Аллоҳ таоло намоз учун бадан ва либоснинг, шунингдек намоз ўқиладиган жойнинг пок бўлишини шарт қилди. Мусулмон киши тоза сув билан нажосатлардан тозаланади, баданини ҳиссий нопокликлардан, қалбини эса маънавий нопокликлардан тозалайди.

Намоз – диннинг устуни[1] ҳамда икки шаҳодатдан кейинги энг улкан рукндир. Мусулмон киши балоғатга етган давридан бошлаб умрининг охиригача унга қаттиқ эътибор бериши, оила аъзолари ва фарзандлари намозга одатланишлари учун уларни етти ёшидан намозга буюриши лозим. Аллоҳ таоло айтади:

«Албатта, намоз мўминларга (вақти) тайинланган фарз бўлди» (Нисо: 103).

«Ҳолбуки улар фақат ягона Аллоҳга, у зот учун динни холис қилган, Тўғри йўлдан оғмаган ҳолларида ибодат қилишга ва намозни тўкис адо этишга ҳамда закотни (ҳақдорларга) ато этишга буюрилган эдилар. Мана шу тўғри йўлдаги (миллатнинг) динидир» (Баййина: 5).

Намоз мусулмонга барча ҳолатларида, ҳатто хавф-хатар ва касаллик пайтларида ҳам вожиб бўлиб, қодир бўлганича – тик туриб ё ўтириб ё ётган ҳолда, бунга ҳам қодир бўлмаса кўз ё дил ишораси билан ўқийди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бенамоз одам мусулмон бўлмаслигини айтиб огоҳлантирганлар: «Биз билан улар (кофирлар) ўртасини ажратиб турувчи аҳд-паймон намоздир. Ким намозни тарк қилса, шубҳасиз кофир бўлибди» (Термизий ривояти, саҳиҳ).

Беш вақт намоз: бомдод, пешин, аср, шом ва хуфтон намозларидир.

Бомдод намози вақти кун чиқиш тарафда тонг ёруғлиги кўринганида бошланиб, кун чиқиш пайтигача давом этади, уни охирги вақтигача кечиктириш жоиз эмас. Пешин намози вақти кун тиккадан оғгандан бошланиб, ҳар нарсанинг сояси завол соясидан ташқари ўз узунлиги миқдорига[2] етгунича давом этади. Аср намози вақти пешин вақти чиққанидан бошлаб, қуёш сарғайгунича давом этади, уни охирги вақтигача кечиктириш яхши эмас, қуёшнинг тиғи йўқолмасидан ўқиш керак. Шом намози вақти қуёш ботгандан бошлаб, то қизил шафақ йўқолгунича давом этади, уни ҳам охирги вақтигача кечиктирилмайди. Хуфтон намози вақти шом вақти чиққанидан бошлаб, кечанинг охиригача давом этади.

Мусулмон киши агар битта намозни ўз иродасидан ташқари бирор шаръий узр бўлмаган ҳолда ўз вақтидан кечиктирса, катта гуноҳ қилган бўлади, Аллоҳга тавба қилиши ва қайтиб бундай қилмаслиги лозим бўлади. Аллоҳ таоло айтади: «Намозларини «унутиб» қўядиган кимсалар бўлган «намозхон»ларга ҳалокат бўлгай» (Моъувн: 4-5).

Намознинг ҳукмлари:

Биринчи: Таҳорат.

Мусулмон киши намозга киришидан олдин пок бўлиши зарур, аввало агар қазойи ҳожат қилган бўлса, (мустаҳаб қилади) нажосат ўринларини тозалайди, сўнгра таҳорат қилади.

Таҳорат: қалбида таҳорат қилишни ният қилади, ниятни тили билан талаффуз қилмайди, чунки Аллоҳ қалбдаги нарсани билувчи зотдир. Қолаверса,

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ниятни тил билан айтмаганлар. «Бисмиллаҳ» дейди, сўнг оғзини чайқайди, сўнг бурнига сув тортиб, қоқади, сўнг юзини ювади, сўнг икки қўлини ўнг қўлдан бошлаб чиғаноқларигача (чиғаноқни ҳам) ювади, сўнг қўллари билан бошига ва қулоқларига масҳ тортади, сўнг икки оёғини ўнг оёқдан бошлаб тўпиқлари билан ювади.

Таҳоратли кишидан сийдик, ахлат, ел чиқса ёки ухласа ё беҳуш бўлса, намоз ўқимоқчи бўлганида қайта таҳорат қилиши лозим бўлади. Мусулмон киши – эркакдир, аёлдир – жунуб бўлса, яъни хоҳ ўнгида, хоҳ уйқуси ичида шаҳват билан маний (уруғ суви) тўкса, бутун баданини ювиш билан покланади. Аёл киши ҳайз ё нифосдан тоза бўлгач, ғусл қилиши, яъни бутун баданини ювиши лозим бўлади. Ҳайзли ва нифосли аёл намоз ўқиши мумкин эмас, то тоза бўлгунича ундан намоз соқит бўлади, ушбу кунларда ўқилмай қолган намозлар қазосини ҳам ўқимайди.

Сув тополмаган киши ёки сув ишлатиши зиён қиладиган бемор таяммум билан покланади. Таяммумнинг сифати: дилида таҳоратни ният қилади, «Бисмиллаҳ» деб икки қўлини тупроққа уради ва уларни аввал юзига суртади, сўнг ўнг қўлининг орқасига чап қўлининг ичи билан, чап қўлининг орқасига ўнг қўлининг ичи билан суртади, шу билан покланган – таҳоратли бўлган бўлади. Таяммум ҳайз ва нифосдан тоза бўлган аёл учун ҳам, жунуб одам учун ҳам ғусл ўрнига ўтади.

Иккинчи: Намознинг сифати.

1) Бомдод намози:

У икки ракъат бўлиб, ҳар бир мусулмон эр ё аёл киши қиблага – Маккадаги Масжидул Ҳаром ичидаги Каъба тарафга қараб юзланади ва дилида бомдод намозини ўқишни ният қилади, сўнг «Аллоҳу акбар» деб такбир айтиб намоз бошлайди. Такбир айтган ҳолда қўллар икки қулоқ юмшоғи баробарида кўтарилади.

Сўнгра ўнг қўлни чап билак устига қўйилади ва кириш дуоси (сано)ни ўқилади:

سُبْحَانَكَ اللّهمَّ وَبِحَمْدِكَ، وَتَبَارَكَ اسْمُكَ وَتَعَالى جَدُّكَ، وَلا إِلَهَ غَيْرُكَ

«Субҳанакаллоҳумма ва биҳамдика, ва табарокасмука, ва таъала жаддука ва ла илаҳа ғойрука» (Маъноси: Эй Аллоҳ, мен сени (барча камчиликлардан) поклайман, сенга ҳамдинг билан тасбеҳ айтаман, сенинг исминг муборак, улуғлигинг олий бўлди ва сендан ўзга ҳақли маъбуд йўқ.)

Кейин «أعوذ بالله من الشيطان الرجيم، بسم الله الرحمن الرحيم» «Аъузу биллаҳи минаш-шайтонир рожийм, бисмиллаҳир роҳманир роҳийм» дейди ва «Фотиҳа» сурасини ўқиб, сўнгида «омийн» дейди, маъноси: «Эй Аллоҳ, қабул эт» демакдир.

Кейин бир сурани ўқийди ва рукуъ қилади - икки қўлини икки тиззаси устига қўяди, билакларини ёнбошидан узоқроқ тутиб белини боши (энсаси) билан тенглаштиради. Рукуъда турганда ушбу тасбеҳни айтади:

Уч марта «سُبْحانَ رَبِّيَ الْعَظِيم» «Субҳана роббиял азим». (Маъноси: улуғ Роббимни (барча айб-нуқсондан) поклайман).

Кейин «سَمِعَ اللّٰهُ لِمَنْ حَمِدَه» «самиъаллоҳу лиман ҳамида» (Аллоҳ ҳамд айтган кишидан ҳамдини қабул қилди) деб бошини рукуъдан кўтаради.

Рукуъдан кўтарилганда «رَبَّنا لَكَ الحَمْدُ» «роббана лакал-ҳамд» дейди. (Маъноси: Эй роббимиз, барча ҳамдлар сенингдир.)

Кейин такбир айтиб, саждага боради. Саждага бораётганда аввал тиззасини, кейин қўлини, кейин пешонасини ва бурнини қўяди.

Икки тирсагини ерга ҳам, икки тиззасига ҳам қўймайди ҳамда икки ёнбошидан узоқлаштиради. Қорнини сонларига теккизмасдан белини кўтариб туради.

Саждада турганда уч марта «سُبْحانَ رَبِّيَ الأَعْلَى» «субҳана роббиял-аълаа» дейди. Маъноси «Олий роббимни поклайман».

Кейин «Аллоҳу акбар» деб саждадан туради.

Икки сажда ўртасида ўтиради. Унинг кайфийяти қуйидагича: чап оёқни ёзиб устига ўтиради, ўнг оёқни ўнг томонида тик тутади. Қўлларини сонларининг устига ёки тиззаларига еткизиб қўяди.

Икки сажда ўртасида ўтирганда:

«رَبِّ اغْفِرْ لِي وَارْحَمْنِي وَاهْدِنِي، وَاجْبُرْنِي وَعافِنِي وَارْزُقْنِي»

«Роббиғфирлий варҳамний ваҳдиний важбурний ва оофиний варзуқний» дейди. (Маъноси: Эй роббим гуноҳларимни кеч, менга раҳм эт, мени ҳидоятла, мени беҳожат қил, менга офият ато қил ва мени ризқлантир.)

Кейин иккинчи саждани хам аввалгиси каби адо этади.

Кейин иккинчи ракъатга туриб кетади.

Иккинчи ракъатни хам биринчи ракъат каби адо этади. Бироқ, кириш дуоси (сано) ўқимайди.

Иккинчи ракъатни ўқиб бўлгач ташаҳҳудга ўтиради. Бу ўтириш худди икки сажда ўртасида ўтириш каби бўлади. Ташаҳҳудни ўқийди:

« التَّحِيّاتُ لِلّهِ وَالصَّلَوَاتُ وَالطَّيِّباتُ، السَّلامُ عَلَيْكَ أَيُّهَا النَّبِيُّ وَرَحْمَةُ اللّهِ وَبَرَكاتُهُ السَّلامُ عَلَيْنا وَعَلَى عِبَادِ اللّهِ الصَّالِحِينَ، أَشْهَدُ أَنْ لا إِلَهَ إِلاّ اللّهُ، وَأَشْهَدُ أَنَّ مُحَمَّداً عَبْدُهُ وَرَسولُهُ»

«Аттаҳийя'ту лилла'ҳи вас-солава'ту ват-тоййиба'т, ассала'му алайка айюҳан-набийю ва роҳматулло'ҳи ва барока'туҳу, ассала'му алайна' ва ала' иба'диллаҳис-солиҳи'йн, ашҳаду анла' ила'ҳа иллалло'ҳу, ва ашҳаду анна Муҳаммадан абдуҳу ва росулуҳ» (Маъноси: «Барча қутловлар, дуолар ва ширин сўзлар Аллоҳ учундир. Эй пайғамбар, сизга салом бўлсин ва сизга Аллоҳнинг раҳмати ва баракотлари бўлсин, бизларга ва Аллоҳнинг солиҳ бандаларига салом бўлсин, Аллоҳдан ўзга ҳақ маъбуд йўқ деб гувоҳлик бераман ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг бандаси ва элчиси деб гувоҳлик бераман».)

Сўнг салавот ўқийди:

« اللهُمَّ صَلِّ عَلَى مُحَمَّدٍ، وَّعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ، كَما صَلَّيْتَ عَلَى ابْرَاهِيمَ، وَعَلَى آلِ ابْرَاهِيمَ، إِنَّكَ حَمِيدٌ مَّجِيد. اللهُمَّ بارِكْ عَلَى مُحَمَّدٍ، وَّعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ، كَما بارَكْتَ عَلَى ابْرَاهِيمَ، وَعَلَى آلِ ابْرَاهِيمَ، إِنَّكَ حَمِيدٌ مَّجِيد.

«Аллохумма солли ъала Муҳаммад ва ала а'ли Муҳаммад, кама' соллайта ъала Иброҳима ва ъала а'ли Иброҳим иннака Ҳамидум-Мажид. Аллоҳумма борик ъала Муҳаммад ва ъала а'ли Муҳаммад, кама' боракта ъала Иброҳима ва ъала а'ли Иброҳим иннака Ҳамидум-Мажид» (Маъноси: «Эй Аллоҳ, Иброҳимга ва Иброҳимнинг аҳлига салот йўллаганинг каби Муҳаммадга ва Муҳаммаднинг аҳлига салот йўллагин, албатта Сен мақталган улуғ зотсан. Эй Аллоҳ, Иброҳимга ва Иброҳимнинг аҳлига баракот берганинг каби Муҳаммадга ва Муҳаммаднинг аҳлига баракот бер, албатта сен мақталган улуғ зотсан».

Салавотдан кейин бу дуони ўқийди:

« أَعوُذُ بِاللهِ مِنْ عَذَابِ جَهَنَّم وَمِنْ عَذابِ الْقَبْرِ وَمِنْ فِتْنَةِ الْمَحْيا وَالْمَمَاتِ وَمِنْ فِتْنَةِ الْمَسِيحِ الدَّجَّال»

«Аъузу биллаҳи мин аза'би жаҳаннам ва мин аза'бил-қабри ва мин фитнатил-маҳя' вал-мама'т ва мин фитнатил-масийҳид-дажжа'л» (Маъноси: «Жаҳаннам азобидан, қабр азобидан, ҳаёт ва мамот фитнасидан ҳамда масийҳид-дажжол фитнасидан паноҳ сўраб Аллоҳга илтижо қиламан»).

Кейин дунё ва охират яхшиликларидан истаган нарсасини дуо қилиб сўрайди.

Шундан сўнг аввал ўнг томонига, кейин чап томонига « السَّلامُ عَلَيْكُمْ وَرَحْمَةُ اللهِ»«Ассала'му алайкум ва роҳматуллоҳ» деб салом беради. Шу билан бомдод намози тугайди.

2) Пешин, аср ва хуфтон намозлари:

Ушбу намозлар тўрт ракъатли бўлиб, уларда аввалги икки ракъатни худди бомдод намози каби ўқийди, ташаҳҳуддан сўнг салом бермай, Аллоҳу акбар деб ўрнидан туриб кетади ва аввалги икки ракъат каби икки ракъат ўқийди, иккинчи ташаҳҳуддан сўнг салавот ўқигач, аввал ўнг томонига, кейин чап томонига салом бериб намозини тугатади.

3) Шом намози:

Шом намози уч ракъат бўлиб, аввалги икки ракъатдан кейин салом бермай туриб кетади ва яна бир ракъат ўқигач, ўтириб ташаҳҳуд ва салавотлар ўқигач, салом беради.

Эркаклар ушбу фарз намозларни масжидда жамоат билан имом ортида ўқишлари лозим. Имом бомдод намозида ва шом ҳамда хуфтон намозларининг аввалги икки ракъатида рукуъга боришидан олдин овоз чиқариб қироат қилади, орқадагилар қулоқ солиб турадилар.

Аёллар уйларида ўранган ҳолда ўқийдилар, бутун баданларини, ҳатто қўл ва оёқларини ҳам ўрайдилар, чунки юзларидан бошқа барча аъзолари намозда аврат ҳисобланади. Агар муслима аёл масжидда намоз ўқишни истаса, унга монеълик йўқ, бироқ шарти шуки, ўранган ва хушбўйланмаган ҳолда чиқади ва фитнага сабаб бўлмаслик учун эркакларнинг ортида ўқийди.

Мусулмон киши намозида хушуъ-ҳокисролик, хузуъ ва уйғоқ қалб билан туриши, қиёмда, рукуъ ва саждаларда хотиржам туриши, шошилмаслиги, кераксиз ҳаракатлар қилмаслиги, кўзини осмонга қаратмаслиги, Қуръон ва намоз зикрларидан бошқа нарсани сўзламаслиги лозим. Фақат имом намозда хатога йўл қўйса, зиёда қилса ё камайтирса уни огоҳлантириш учун «Субҳаналлоҳ» дейиш мумкин, шунингдек намоздаги одамни биров чақирса унга жавобан ҳам шундай дейди. Аёллар эса бунинг ўрнига чапак чаладилар.

Жумъа куни мусулмонлар икки ракъат жумъа намози ўқийдилар, имом худди бомдод намозида бўлгани каби овоз чиқариб қироат қилади, намоздан олдин мусулмонларга дин ишларидан таълим бериб, икки хутба қилади. Ушбу намоз жумъа куни пешин намози ўрнига ўқилади.

Ислом рукнларидан учинчи рукн – закот:

Аллоҳ таоло моли нисобга етган ҳар бир мусулмонга бир йилда бир марта молининг закотини чиқаришни фарз қилди. Закот уни олишга ҳақдор бўлган камбағал-мискин кишиларга ва Қуръони Каримда номлари зикр этилган бошқа кишиларга берилади.

Тилланинг нисоби – 20 мисқол, кумушнинг нисоби – 200 дирҳам ёки шунга тенг қоғоз пулдир. Тижорат молларининг қиймати нисобга етса, мол эгаси ундан закот чиқаради. Закот чиқариш учун мол нисобга етгач, бир йил ўтган бўлиши лозим. Дон-дун ва мева-чеванинг нисоби 300 соъ, сотиш мақсадида олиб қўйилган кўчмас мулкларнинг қийматидан ҳам закот чиқарилади. Тилла, кумуш

ва тижорат молларининг закоти 2,5%, дон-дун ва мева-чеванинг закоти анҳор, чашма, ёмғир сувлари билан машаққатсиз суғориладиган ерларда 10%, машаққат билан, сув чиқариб суғориладиган ерларда 5%дир.

Дон-дун ва мева-чеванинг закоти бериладиган пайт унинг етилиб пишган пайтидир, агар бир йилда икки-уч марта ўриб-йиғиб олса ҳам фақат бир марта закот беради. Туя ва мол-қўйлар закоти шариат аҳкомлари китобларида баён қилинган. Аллоҳ таоло айтади: «Ҳолбуки улар фақат ягона Аллоҳга, у зот учун динни холис қилган, Тўғри йўлдан оғмаган ҳолларида ибодат қилишга ва намозни тўкис адо этишга ҳамда закотни (ҳақдорларга) ато этишга буюрилган эдилар. Мана шу тўғри йўлдаги (миллатнинг) динидир» (Баййина: 5). Закот чиқариш билан камбағал-мискинлар кўнглига шодлик киради, уларнинг эҳтиёжлари қонади, бойлар ва камбағаллар ўртасида меҳр-муҳаббат алоқалари кучаяди.

Ислом дини мусулмонлар ўртасидаги ижтимоий ҳамкорлик ва ўзаро молиявий ёрдамлар соҳасида закот билангина чекланиб қолмаган, балки очарчилик пайтларида камбағалларни ўз қарамоғига олишни бойларга вожиб қилган, мусулмон кишига қўшнисини оч қўйиб ўзининг қорнини тўйдириб юришини ҳаром қилган, бундан ташқари ийдул-Фитр (Рамазон ҳайити) куни мусулмон кишига фитр садақаси чиқаришни лозим қилган, фитр садақаси ҳар бир диёрнинг ўзига хос емишларидан жон бошига бир соъдан ҳисоблаб чиқарилади, ҳатто гўдак ва хизматкорлар ҳисобидан ҳам берилади. Бундан ташқари Аллоҳ таоло мусулмон кишига қасамнинг каффоратини[3] вожиб қилган, шунингдек, шаръий назрларга вафо қилишни вожиб қилган, ихтиёрий инфоқ-эҳсонлар қилишга чорлаган, Ўзининг йўлида яхши ишларга пул-мол сарфлаган кишиларга кўп ажру савобларваъда қилган, уларнинг ажрларини етти юз баробаргача ва ундан ҳам кўпроқ қилиб мукофотлашини ваъда қилган.

Ислом рукнларидан тўртинчи рукн – рўза: яъни ҳижрий тўққизинчи ой бўлмиш Рамазон ойида рўза тутишдир.

Рўза тутиш кайфияти:

Мусулмон киши тонг ёришмасидан илгари рўзага ният қилиб, то кун ботгунга қадар ейиш-ичиш ва жинсий алоқадан тийилади, Рамазон ичи тўла бир ой

шундай қилади ва бу иши билан Аллоҳнинг розилиги ва ибодатини қасд қилади.

Рўзадан инсонларга кўплаб фойдалар етади, улардан энг муҳимлари:

1) У Аллоҳга ибодат, Унинг амрига бўйсунишдир, банда шаҳватини, емак-ичмагини Аллоҳ учун тарк этади, у Аллоҳга бўлган тақвони кучайтириш сабабларидандир.

2) Рўзанинг саломатликка, шунингдек иқтисодий ва ижтимоий тарафдан ҳам кўп манфаатлари борки, бунга иймон ва эътиқод билан рўза тутган кишилар эришадилар. Аллоҳ таоло айтади: «Эй мўминлар, тақволи кишилар бўлишингиз учун сизлардан илгари ўтганларга фарз қилингани каби сизларга ҳам саноқли кунларда рўза тутиш фарз қилинди. Энди сизлардан бирор киши ҳаста ёки мусофир бўлса, у ҳолда (рўза тутолмаган кунларининг) саноғини бошқа кунларда тутади. (Кексалик ёки заифлиги сабабли) рўза тутишга қийналадиган кишилар бир мискин-бечоранинг бир кунлик таоми миқдорида эваз тўлашлари лозим. Бас, ким ўз ихтиёри билан зиёда яхшилик қилса (лозим бўлганидан ортиқроқ эваз тўласа), ўзига яхши. Агар билсангиз, рўза тутишингиз ўзингиз учун (эваз бериш ёки ҳатто узрли ҳолатда рўза тутмасликка нисбатан) яхшироқдир. (У саноқли кунлар) Рамазон ойидирки, бу ойда одамлар учун ҳидоят бўлиб ва ҳидоят ва фурқон (ҳақ билан ботилни ажратгувчи)нинг очиқ оятлари бўлиб Қуръон нозил қилинган. Бас, сизлардан ким бу ойга ҳозир бўлса, рўза тутсин. Ва ким ҳаста ёки мусофир бўлса, у ҳолда (рўза тутолмаган кунларининг) саноғини бошқа кунларда (тузалгач ёки сафардан қайтгач) тутади. Аллоҳ сизларга енгилликни истайди, сизларга оғир бўлишини истамайди. Бу саноқни тўлдиришингиз ва ҳидоят қилгани сабабли Аллоҳни улуғлашингиз учундир. Шояд шукр қилсангиз» (Бақара: 183-185).

Аллоҳ таоло Қуръонда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳадисларида баён қилган рўза ҳукмларидан:

1) Бемор ва мусофирлар рўза тутмайдилар ва қолдирган кунларининг қазосини Рамазондан сўнг тутиб берадилар.

2) Ҳайзли ва нифосли аёллар ҳам рўза тутмайдилар, қолдирган кунларининг қазосини Рамазондан сўнг тутиб берадилар.

3) Ҳомиладор ва эмизикли аёллар ҳам ўз соғликларига ёки фарзандларининг соғлигига хавф қилсалар рўза тутмайдилар ва қазосини кейин тутиб берадилар.

Агар рўзадор эсида йўқ еб-ичиб қўйса, кейин рўзалиги эсига тушса, унинг рўзаси дуруст ҳисбланади, чунки Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг умматидан унутиб, хато қилиб ва мажбурланган ҳолда қилган ишларини афв қилган.

[1] Бу устун капа (палатка)нинг ўртасига қўйиладиган бир дона устун маъносида бўлиб худди капанинг устуни олиб ташланса капа бузилиб кетгандек, дин арконларидан намоз кетса, дин ҳам капа сингари бузилиб кетади.

[2] Ҳанафий мазҳабида икки баробарга...

[3] Қасамнинг каффорати – яъни бир иш қилишга қасам ичиб қўйиб, кейин уни қилмаса жарима тўлаш, бир қул озод қилиш ёки ўнта мискинни тўйдириш ё кийинтириш ёки уч кун рўза тутиш билан адо этилади.

Ислом рукнларидан бешинчиси – ҳаж:

Яъни, умрда бир бор Байтуллоҳни ҳаж қилиш, ундан зиёдаси ихтиёрий-нафл ҳисобланади. Ҳажда кўплаб манфаатлар бор:

Аввало: Ҳаж – Аллоҳга жисм, руҳ ва мол билан бўлган ибодатдир.

Иккинчидан: дунёнинг ҳар тарафидан келган мусулмонлар ҳаж баҳонасида бир жойда тўпланадилар, бир хил либосга ўранадилар, бир вақтда битта Парвардигорга ибодат қиладилар, бошлиқ билан тобеънинг, бой билан камбағалнинг, оқ билан қоранинг фарқи бўлмайди, барчаси Аллоҳнинг халқи ва бандалари, мусулмонлар ўртасида ўзаро танишув ва ёрдамлар ҳосил бўлади, Аллоҳ ўзларини қайта тирилтирадиган ва бир жойга тўплайдиган кунни ёдга оладилар, Аллоҳга тоат-ибодатлар қилиш билан ўлимдан кейинги ҳаётга ҳозирланадилар.

Мусулмонларнинг намозларида юзланадиган қиблалари бўлган Каъбани тавоф қилиш (яъни унинг атрофида айланиш)дан мақсад, шунингдек Макканинг турли ўринларида – Арафот, Муздалифа ва Минода – белгиланган вақтларда туришдан мақсад – ўша муқаддас ўринларда Аллоҳ буюрган шаклда Унинг ўзига ибодат қилишдир.

Каъбага ва ўша маконларга ва умуман барча махлуқотларга ибодат қилинмайди, зеро улар на фойда, на зиён етказа оладилар, ибодат фақат Аллоҳга бўлади, фойда ва зиён етказувчи зот ёлғиз Унинг Ўзидир. Агар Байтуллоҳни ҳаж ва тавоф қилишга Аллоҳнинг Ўзи буюрмаса эди, мусулмон киши уни тавоф қилиши асло дуруст бўлмас эди. Чунки ибодат инсоннинг райи ва хоҳиш-ҳавосига қараб эмас, балки Аллоҳ таоло Ўзининг Китобида ёки пайғамбарининг Суннати воситасида буюрган амрига кўра бўлади. Аллоҳ таоло айтади: «Йўлга қодир бўлган кишилар зиммасида Аллоҳ учун мана шу уйни ҳаж-зиёрат қилиш бурчи бордир. Кимда-ким кофир бўлса (яъни Каъбани зиёрат қилиш фарз эканини инкор қилса), бас, албатта Аллоҳ бутун оламлардан беҳожат бўлган зотдир»[1] (Оли Имрон: 97).

Мусулмон кишига умрида бир бор умра қилиш – ҳаж билан бирга ё бошқа пайт – вожиб, Мадинадаги Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам масжидларини зиёрат қилиш на ҳаждa, на бошқа пайт вожиб эмас, балки қилган одам ажрга эга бўладиган, қилмаган одам жазога мустаҳиқ бўлмайдиган мустаҳаб амалдир. «Ким ҳаж қилсаю, мени зиёрат қилмаса, менга зулм қилибди» ҳадиси саҳиҳ эмас, балки у зот шаънларига тўқима ҳадисдир.

Масжидун-набий зиёратига борган киши «таҳийятул-масжид» намозини ўқигач, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қабрларини зиёрат қилиши машруъдир. Одоб билан, паст овозда: «Ассалому алайка ё Расулуллоҳ» деб салом беради, у зотдан бирон эҳтиёжини сўраб дуо қилмайди, сўнг ортига қайтади. У зот умматларини шунга буюрганлар, саҳобалар розияллоҳу анҳум шундай қилганлар.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қабрлари олдида худди намозда тургандек хушуъ билан туриб, у зотдан мадад тилаб ёки ҳожатларини раво қилишини сўраб ёки Аллоҳ ҳузурида шафоатчи бўлишларини сўраб дуо қиладиган кишилар – Аллоҳга ширк келтираётган кишилардир, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ундай кимсалардан безор ва покдирлар. Мусулмон киши бундай қилишдан эҳтиёт бўлиши лозим.

Сўнгра Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг икки дўстлари – Абу Бакр ва Умар розияллоҳу анҳумонинг қабрларини зиёрат қилади, сўнг Бақеъ аҳлини ва шаҳидлар қабрларини зиёрат қилади, яъни уларга салом бериб, Аллоҳдан улар ҳақларига мағфират тилаб дуо қилади ва ўлимни ёдга олади.

Мийқотлар:

Агар ҳажга бораётган одам машинада бўлса, мийқот[2]га етиб боргач, эҳром боғлайди. Агар самолётда бўлса, мийқотга яқинлашгач, ундан ўтиб кетмасдан туриб эҳромга киради. Ҳаж ва умра қилувчилар эҳромга киришлари лозим бўлган, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам буюрган мийқотлар бештадир:

1. Зул-Хулайфа – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Мадина шаҳридаги масжидларидан 13 км, Маккадан эса 420 км узоқликдаги жойдир. Мадиналиклар ва Мадина орқали ҳаж қилувчилар шу ердан эҳром боғлайдилар.

2. ал-Жуҳфа – Шом (Сурия), Миср ва Мағриб тарафдан келувчилар эҳром боғлайдиган жой бўлиб, Макка шаҳридан 208 км узоқликдадир.

3. Қарнул-маназил – Макка шаҳридан 78 км олисда бўлиб, Нажд, Тоиф аҳолиси хамда у ердан ўтаётган одамлар эҳром боғлайдиган жойдир.

4. Яламлам – яманликлар эҳром боғлайдиган ва Макка шаҳридан 120 км олисда бўлган жойдир.

5. Затул-Ирқ – Ироқликлар эҳром боғлайдиган ва Макканинг шарқий тарафида 100 км узоқликда бўлган жойдир.

Мазкур мийқотлардан ўтаётган, ҳаж ва умра ниятида бўлган барча одамлар бу ерларда эҳром боғлашлари фарздир. Макка аҳли ва Мийқот ичкарисида яшовчилар уйларидан эҳром боғлайдилар.

Эҳром боғлаш:

Эҳромга кирувчи киши аввал тозаланиб, покланиб, хушбўйланиб, сўнгра Мийқотда эҳром кийимини боғлайди, самолётда келаётган киши ўз шаҳрида эҳромга киришга ҳозирланиб, мийқотга яқинлашганда «лаббайка» айтади. Эҳром кийими эркак кишига нисбатан икки бўлак тикилмаган мато – ридо ва изордан иборат бўлиб, улар билан баданини ўраб олади, бошини очиқ қолдиради. Аёл кишига нисбатан эҳром учун махсус либос йўқ, фақат кенг ва баданини ўраб турувчи, кўрганларнинг фитнасига сабаб бўлмайдиган кийим кийиши лозим. Аёл киши эҳромдалик пайтида юзига ва қўлларига ниқоб ва қўлқоп каби аъзоларга мослаб тикилган кийим киймайди. Фақат эркакларни кўрган пайтда бошидаги рўмолининг бир тарафи билан юзини тўсади, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аёллари – мўминларнинг оналари ва саҳобаларнинг аёллари ана шундай қилардилар.

Ҳаж қилувчи киши эҳром либосини кийганидан сўнг дилида умрага ният қилади, сўнг: «Аллоҳумма лаббайка умратан» деб талбия айтади, умрани адо қилгач, то ҳаж кунлари келгунича эҳромдан чиқиб туради ва ҳажга алоҳида эҳром боғлайди. Буни «Таматтуъ ҳажи» дейилади ва бу энг афзал ҳаж тури ҳисобланади. Ҳажнинг иккинчи тури «Қирон» деб номланиб, бундай ҳажга ният қилувчи: «Аллоҳумма лаббайка умратан ва ҳажжан» деб талбия айтади ва то қурбон ҳайити куни қурбонлик сўймагунига қадар эҳромдан чиқмайди. Учинчи тури «Ифрод» деб аталади, бунда фақат ҳажга ният қилиб: «Аллоҳумма лаббайка ҳажжан» деб талбия айтади.

Эҳромдаги одамга ҳаром бўлган ишлар:

Мусулмон киши эҳромга кириб, ҳаж ё умрага ният қилгач, унга қуйидагилар ҳаром бўлади:

1) Жинсий алоқа ва унга олиб борувчи нарсалар, яъни аёлидан бўса олиш, шаҳват билан тегиниш, бу ҳақда сўзлаш, бирон аёлга уйланиш мақсадида харидор бўлиш, никоҳланиш.

2) Соч ва бадандаги бирон бир тукни сабабсиз олиш. Агар тук ва сочлар ўзлари тўкилса зарари йўқ.

3) Тирноқларни олиш.

4) Эркаклар бош ва юзларини бирон нарса билан ўрашлари. Бироқ, шамсия (соябон), чодир ва машина сояси билан сояланиш мумкин.

5) Хушбўйланиш ва хушбўйликни ҳидлаш.

6) Қуруқликда овланувчи ҳайвонларни ов қилиш, ўзи ҳам овламайди, бировга кўрсатиб ҳам бермайди.

7) Эркаклар тикилган кийим кийишлари, аёллар юз ва қўлларига мослаб тикилган кийим кийишлари.

Агар ушбу ман қилинган ишлардан биронтасини билмасдан ё унутиб қилса, зарари йўқ.

Муҳрим (эҳромдаги киши) Каъбага етиб келгач, уни етти марта тавоф қилади, буни «Тавофи қудум» дейилади. Тавофни ҳажарул-асваднинг рўпарасидан бошлайди. Тавоф учун махсус дуолар йўқ, Аллоҳни зикр қилиб, билганича дуолар қилади. Фақат икки рукн ўртасида:

رَبَّنَا آتِنَا فِي الدُّنْيَا حَسَنَةً وَفِي الآخِرَةِ حَسَنَةً وَقِنَا عَذَابَ النَّارِ

«Парвардигоро, бизга бу дунёда ҳам яхшилик ато қилгин, охиратда ҳам яхшилик ато этгин ва бизни дўзах азобидан асрагин», деб дуо қилади. Сўнгра имкони бўлса «Мақоми Иброҳим» ортида икки ракъат намоз ўқийди, имкони бўлмаса Ҳарамнинг истаган жойида ўқиса ҳам жоиз. Кейин саъй қилиш учун чиқади ва Сафо тепалигига кўтарилади, у ерда қиблага юзланиб такбир ва таҳлил айтади, дуолар қилади, сўнг Марва томонга қараб юради, у ерга етгач, қиблага юзланиб такбир ва таҳлил айтади, дуолар қилади, сўнг Сафога қайтади ва шу тартибда етти марта бориб-келади, бориши бир марта, қайтиши ҳам марта деб ҳисоб қилинади. Кейин сочини қисқартиради, аёллар бармоқнинг бир бўғими миқдорида сочларидан кесишлари кифоя қилади. Шу билан мутаматтиъ (ҳажнинг таматтуъ турини ният қилган киши) умрасини тугатади ва эҳромдан чиқади, шундан сўнг унга эҳром сабабли ҳаром бўлган нарсалар ҳалол бўлади.

Агар аёл киши эҳромга киришидан олдин ё эҳромга кирганидан кейин ҳайз кўриб қолса ё кўзи ёриса, у қоринага (ҳажнинг қирон турини қилувчига) айланади, эҳромга киргач, умра ва ҳажга талбия айтади. Чунки ҳайз ва нифос эҳромга киришдан ва ҳаж маросимлари адо этиладиган ўринларда туришдан тўсмайди, фақат Байтуллоҳни тавоф қилишдангина тўсади. Демак, бундай аёл тавофдан бошқа ҳожилар бажарадиган барча амалларни бажаради, тавофни эса то пок бўлгунича кечиктиради. У одамлар ҳажга эҳром боғлашларидан ва Минога чиқишларидан олдин покланса, ғусл қилиб, тавоф ва саъй қилади, сочини қисқартиради ва умра эҳромидан чиқади, сўнг одамлар билан бирга Зул-ҳижжанинг саккизинчи куни ҳаж учун эҳромга киради. Агар одамлар унинг покланишидан олдин ҳажга эҳром боғласалар, у қоринага айланади ва эҳромида турганича улар билан талбия айтади ва ҳожилар қиладиган барча амалларни адо этади, яъни Минога чиқади, Арафот ва Муздалифада туради, тош отади, қурбонлик қилади, сочини қисқартиради. Пок бўлгач, ғусл қилиб ҳаж тавофини қилади ва ҳаж саъйини бажаради.

Мана шу тавоф ва саъй у учун ҳаж ва умрасига кифоя қилади. Уммул муъминийн Оиша розияллоҳу анҳода худди шунга ўхшаш ҳолат юз берганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг покланганидан кейин қилган «ифоза» тавофи ва саъйи ҳаж ва умрасига кифоя қилишини айтганлар.

Зул-ҳижжанинг саккизинчи куни ҳожилар Маккадаги турар жойларидан ҳажга эҳром боғлайдилар – худди мийқотда қилганлари каби тозаланиб, сўнг эҳром либосини киядилар, сўнг ҳажга ният қилиб: «Аллоҳумма лаббайка ҳажжан» деб талбия айтадилар, шу билан то наҳр (қурбонлик) куни Муздалифадан Минога қайтиб, тош отиб, эркак киши сочини олдириб, аёл киши эса қисқартирмагунича эҳромда ман қилинган ишлардан тийиладилар.

Ҳаж қилувчи киши саккизинчи куни ҳожилар билан бирга Минога чиқиб, ўша ерда тунайди, у ерда ҳар бир намозни ўз вақтида қаср қилинадиганини қаср қилиб адо этади, Арафа куни кун чиққандан сўнг ҳожилар билан бирга иложи бўлса, Намира масжидига боради, у ерда пешин намозини кутиб ўтиради, имом билан бирга ёки ўзи ўтирган жойдаги жамоат билан пешин ва асрни жамлаб қаср қилиб ўқийди ва заволдан сўнг Арафотга йўл олади. Агар Минодан тўғри Арафотга борса ва ўша ерда ўтирса ҳам бўлади, Арафотнинг ҳаммаси мавқифдир, яъни ҳамма жойида турса бўлади.

Ҳожи Арафотда Аллоҳнинг зикрини, дуо ва истиғфорни кўпайтиради, тоққа эмас, қиблага юзланиб туради, чунки тоғ Арафотнинг бир бўлаги холос, унга чиқишни ибодат санаш тўғри эмас, унинг тошларини силаш, суртиниш жоиз эмас, балки бу ҳаром ва бидъатдир.

Ҳожи то кун ботгунча Арафотдан кетмай туради, кун ботганидан сўнг Муздалифага қайтади, у ерга етгач хуфтон вақтида шом билан хуфтонни жамлаб, хуфтонни қаср қилиб ўқийди ва шу ерда тунайди. Бомдод намозини ўқигандан сўнг Аллоҳнинг зикрини қилиб ўтиради, шу ердан етти дона нўхотдек тошлардан териб олади ва кун чиқишига яқин Минога йўл олади. Минога етиб боргач Ақаба жамрасида (тош отадиган ерда) териб олган еттита тошни отади, оёқ кийимларни отиш жоиз эмас, чунки бу нарсани унга шайтон зийнатли қилиб кўрсатаётган бўлади. Шайтоннинng адабини бериш эса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг буйруқларига ва йўлларига эргашиш билан, Аллоҳ ва Расули қайтарган ишлардан тийилиш билан бўлади.

Тош отиб бўлгач, қурбонлигини сўяди, сўнг сочини олдиради, аёллар қисқартиради, эркак киши ҳам сочини қисқартириши жоиз, бироқ қирдириши уч карра афзал бўлади. Шундан сўнг одатий кийимларини кияди, эҳром сабабли ҳаром бўлган ишлар энди унга ҳалол бўлади, фақат аёлига яқинлашмайди. Сўнг Маккага тушиб, ҳаж тавофини ва саъйни амалга оширади, шу билан унга барча нарса, аёли ҳам ҳалол бўлади. Сўнг Минога қайтиб, у ерда ийд кунининг қолган қисмини ва яна икки кеча-кундуз туради, шу кунлари Минода тунаши вожибдир. Ўн биринчи ва ўн иккинчи кунлари заволдан сўнг учта жамрага еттитадан тош отади, аввал Минога яқин томондаги кичик жамрага, кейин ўртага, кейин ийд куни отган катта жамрага тош отади, ҳар тош отишида такбир айтади, тошларни Минодаги манзилидан териб олади. Ўн иккинчи куни тош отганидан кейин Минодан қайтишни истаса қайтиши мумкин, агар қайтишни ўн учинчи кунга кечиктирса, шуниси афзал ва бу куни ҳам заволдан кейин тош отиб кейин қайтиб кетади. Агар юртига қайтишни истаса, видолашув тавофини қилибоқ йўлга чиқади.

Қурбонлик сўйишни ўн биринчи, ўн иккинчи, ўн учинчи кунларга кечиктириш ҳам жоиз, шунингдек, ҳаж тавофи ва саъйини Минодан қайтиб тушгунича кечиктирса, бу ҳам жоиз, лекин юқорида айтилганидек қилиш афзалроқ, валлоҳу аълам.

Иймон:

Аллоҳ таоло Ўзига, Расулига ва Ислом рукнларига иймон келтириш билан бир қаторда Унинг малоикаларига[3], пайғамбарларига туширган Китобларига[4] – уларнинг охиргиси Қуръон бўлиб, олдинги китобларни у билан мансух (бекор) қилди – ва Аллоҳнинг барча пайғамбарларига иймон келтиришни мусулмон киши зиммасига фарз қилди, зеро барча пайғамбарларнинг рисолатлари бир, динлари бир – яъни Ислом, уларни пайғамбар қилган зот битта – Аллоҳ Роббул оламийндир. Демак, мусулмон киши ишониши лозимки, Аллоҳ таоло Қуръонда зикр қилган пайғамбарлар Аллоҳнинг ушбу умматнинг аждодларига юборган расулларидир, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларнинг сўнггиси ва Аллоҳнинг бутун инсониятга юборган элчисидирлар. У зот пайғамбар бўлганларидан кейин барча инсонлар, шу жумладан яҳудлар, насоролар ва бошқа динлар аҳли ҳам у зотга уммат ҳисобланадилар, чунки бутун ер юзи аҳли Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашишга буюрилган. Мусо, Исо ва бошқа барча пайғамбарлар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашмаган ва Ислом динига кирмаган кишидан безор ва покдирлар. Чунки мусулмон киши барча пайғамбарларга иймон келтириб, эргашувчи бўлади. Кимки Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга эргашмаса ва Ислом динига кирмаса, агарчи улардан қайсидир бирига эргашишни даъво қилса ҳам, у барча пайғамбарларни инкор қилган ва ёлғончи санаган бўлади. Бунга Қуръондан далиллар иккинчи бўлимда ўтди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Жоним Қўлида бўлган Зотга қасамки, бу умматдан бирортаси, хоҳ яҳудий, хоҳ насроний бўлсин, мени эшитса-ю, менга юборилган динга иймон келтирмай ўлса, у албатта дўзах аҳлидан бўлади» (Муслим ривояти).

Мусулмон киши ўлгандан сўнг қайта тирилиш, ҳисоб-китоб, жазо, жаннат ва дўзах борлигига, шунингдек, Аллоҳнинг қадарига иймон келтириши лозим.

Қадарга иймон келтириш маъноси - Аллоҳ таоло ҳамма нарсани, шу жумладан бандаларнинг феълларини ҳам осмонлару ерни яратмасидан туриб билган ва буни Ўз ҳузуридаги лавҳул-маҳфузга ёзиб қўйган, деб ишонишдир. Мусулмон киши биладики, Аллоҳ хоҳлаган нарса бўлади, У хоҳламаган нарса бўлмайди, Аллоҳ таоло бандаларни Ўзига итоат қилишлари учун яратган, уларни шунга

буюрган ва Ўзига маъсият қилишдан қайтарган. Уларга куч-қувват ва истак-ирода берганки, шу билан улар Аллоҳнинг буйруқларини адо этиб, ажру савобларга эришадилар ёки аксинча Унинг маъсиятларини қилиб, жазосига дучор бўладилар.

Бандаларнинг истак-хоҳишлари Аллоҳнинг хоҳиш-иродасига тобеъдир. Аммо Аллоҳ таоло унда бандаларига хоҳиш ва ихтиёр бермаган, балки уларнинг хоҳиш-иродаларидан ташқари жорий қилган хато, унутиш ва мажбурланган ҳолда қилинган ишлар, шунингдек, камбағаллик, касаллик ва мусибатларга ўхшаган нарсалар билан инсонни жавобгар қилмайди ва азобламайди. Балки бошига келган камбағаллик, касаллик ва мусибатларга сабр қилиб, Аллоҳнинг қадарига рози бўлса, унга кўп ажру савоблар беради. Мусулмон киши ана шундай эътиқодда бўлиши лозим.

Мусулмонларнинг энг иймони кучли, Аллоҳга энг яқин бўлувчи ва жаннатдаги энг олий даражаларга эришувчилари - муҳсинлар, яъни Аллоҳга гўё Уни кўриб тургандек ҳолда хушуъ билан, таъзим билан ибодат қиладиган, Унга на ошкора, на махфий ҳолларида маъсият қилмайдиган, қаерда бўлмасинлар Аллоҳ уларни кўриб туришига ва ҳеч бир ишлари, сўзлари, кўнгил кечинмалари Ундан махфий қолмаслигига ишонадиган, Унинг амрларига итоат қилиб, гуноҳдан тийиладиган кишилардир. Улардан бирон хато ва гуноҳ содир бўлса, дарҳол Аллоҳга содиқ тавба қиладилар, хатоларига пушаймон бўлиб истиғфор айтадилар ва қайтиб у хатога қўл урмайдилар. Аллоҳ таоло айтади: «Зотан, Аллоҳ тақводор бўлган кишилар билан ва муҳсинлар билан биргадир» (Наҳл: 128).

Ислом – баркамол дин:

Аллоҳ таоло айтади:

«Бугун сизларга динингизни комил қилдим, неъматимни тўкис қилиб бердим ва сизлар учун (фақат) Исломни дин қилиб танладим» (Моида: 3).

«Албатта, бу Қуръон энг тўғри йўлга ҳидоят қилур ва яхши амалларни қиладиган мўминларга катта ажр-мукофот борлигини(нг) хуш хабар(ини) берур» (Исро: 9).

«Сизга - ҳамма нарсани баён қилиб берувчи, ҳидоят, раҳмат ва мусулмонлар учун хушхабар бўлган Китобни - Қуръонни нозил қилдик» (Наҳл: 89).

Саҳиҳ ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Мен сизларни туни ҳам кундуздек ёруғ бўлган йўл устида қолдирдим, ундан фақат ҳалок бўлувчиларгина тойилади».

Яна айтганлар: «Сизларга шундай нарсани қолдирдимки, уни маҳкам тутсангиз, асло адашмайсиз: Аллоҳнинг Китоби ва менинг Суннатим».

Юқоридаги оятлардан биринчисида Аллоҳ таоло мусулмонларга динларини комил қилиб берганини, унда ҳеч қандай нуқсон ва камчилик йўқлигини, зиёдаликка ҳам муҳтож эмаслигини, у барча замон, макон ва халқларга, яроқли эканини хабар беради ҳамда мусулмонларга ушбу буюк ва комил дин сабабли, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг рисолатлари сабабли, Исломни ва мусулмонларни душманлари устидан ғолиб қилиш билан Ўзининг неъматларини тўкис қилиб берганини хабар беради, Исломни бутун инсониятга дин қилиб танлаганини, ундан ўзга ҳеч қандай дин Унинг ҳузурида асло мақбул бўлмаслигини хабар беради.

Иккинчи оятда эса Қуръони Азим комил ҳаёт йўли эканини, унда дин ва дунё ишларининг ҳақиқий ва қониқарли баёни борлигини, бирорта ҳам яхшиликни қолдирмай далолат қилганини, бирорта ҳам ёмонликни қўймай огоҳлантирганини, ўтмишда юз берган, ҳозирда ва келажакда юз берувчи ҳар қандай муаммонинг энг тўғри ва адолатли ечими фақат Қуръонда мавжудлигини, Қуръон ечимига зид бўлган ҳар қандай ечимлар жаҳолат ва зулм эканини баён қилади.

Илм, ақида, сиёсат, бошқарув ва суд тизими, психология, социология, экономика, жиноят ва жазо тизими ва шу каби одамзот муҳтож бўладиган нарсаларнинг барчасини Аллоҳ таоло Қуръонда ва Расулининг тили билан мукаммал баён қилган, бу ҳақда мазкур оятда хабар бериб: «Сизга - ҳамма нарсани баён қилиб берувчи... Китобни - Қуръонни нозил қилдик» дейди.

Келгуси бўлимда Ислом динининг комиллиги ва унинг мукаммал ва энг тўғри манҳажи – йўли ҳақида батафсил сўз юритилади.

[1] Аммо жоҳил кимсаларнинг азиз-авлиёларнинг мақбара ва мозорларини ҳаж-зиёрат қилишлари залолат ва Аллоҳу Расулининг амрларига хилоф чиқишдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Учта масжиддан: Масжидул-Ҳаром, менинг Масжидим ва Масжидул-Ақсодан бошқа жойга (зиёрат мақсадида) сафар тадорики қилиш жоиз эмас».

[2] Мийқот – ҳаж ва умра учун махсус кийим – эҳром боғлаш керак бўлган ўрин.

[3] Малоикалар – Аллоҳ таоло нурдан яратган мавжудотлардир, улар жуда кўп бўлиб, ҳисобларини Аллоҳдан бошқа ҳеч ким билмайди, баъзилари осмонларда, баъзилари эса одамзотга вакил қилинган.

[4] Мусулмон киши Аллоҳнинг пайғамбарларига туширган барча китоблари ҳақ, бироқ улардан Қуръондан бошқаси асл ҳолда сақланиб қолмаган, деб ишонади. Яҳуд ва насоролар қўлидаги Таврот ва Инжил уларнинг ўзлари томонидан ёзилган, «Аллоҳ учта», «Исо Аллоҳнинг ўғли» деган каби сўзлари бунга далилдир. Ҳақиқатда эса, Қуръонда айтилганидек, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Исо Аллоҳнинг бандаси ва расулидир. Мазкур китоблар ичидаги ҳақиқий Аллоҳнинг каломи ҳам Қуръон билан мансух (бекор) бўлган. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Умар розияллоҳу анҳунинг қўлида Тавротнинг бир саҳифасини кўриб: «Сиз шубҳадамисиз ҳали, эй Умар?! Аллоҳга қасамки, агар биродарим Мусо тирик бўлсайди, унинг олдида менга эргашишдан бошқа йўл бўлмасди», дегандилар.

ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ: ИСЛОМНИНГ МАНҲАЖИ - ЙЎЛИ

1) Илм борасида:

Аллоҳ таоло инсонга буюрган энг биринчи вазифа – илм ўрганишдир. Аллоҳ таоло айтади:

«Бас, (эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), ҳеч қандай илоҳ йўқ, магар Аллоҳгина бор эканлигини билинг ва ўз гуноҳингиз учун ҳамда мўмин-мўминалар(нинг гуноҳлари) учун мағфират сўранг! Аллоҳ сизларнинг (бу дунёдаги) кезар жойларингизни ҳам, (охиратда) борар жойларингизни ҳам билур» (Муҳаммад: 19).

«Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва илм ато этилган зотларни (баланд) даража-мартабаларга кўтарур. Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир» (Мужодала: 11).

«Айтинг: Парвардигорим, илмимни янада зиёда қилгин» (Тоҳа: 114).

«Бас, агар ўзларингиз билмайдиган бўлсангизлар аҳли илмлардан сўранглар!» (Анбиё: 7).

Саҳиҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар:

«Илм излаш ҳар бир мусулмон зиммасига фарздир».

«Олимнинг илмсиз киши устидаги фазилати тўлин ойнинг бошқа юлдузлар устидаги фазилати кабидир».

Исломда илм ўрганиш талаб жиҳатидан бир неча қисмга бўлинади:

Биринчи қисм: Фарзи айн – эркак бўлсин, аёл бўлсин, ҳар бир инсонга билиши шарт ва лозим бўлган илм, буни билмасликда ҳеч ким маъзур ҳисобланмайди, у – Аллоҳ таолони таниш, Унинг пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни таниш, Ислом динидан билиш лозим бўлган нарсаларни билишдир.[1]

Иккинчи қисм: Фарзи кифоя – кифоя қиларли кишилар ўргансалар бошқалар зиммасидан соқит бўладиган ва бошқалар ҳаққида вожиб эмас, балки мустаҳаб саналадиган илм, у – ўз эгасини мударрислик, қозилик, муфтийликка лаёқатли

қиладиган илм, шунингдек мусулмонлар муҳтож бўладиган касб-ҳунарлар ва ҳаёт учун зарур бўлган меҳнатларни билишдир. Бу каби соҳаларда етарли мутахассислар бўлмаса, мусулмонларнинг раҳбарлари ўшандай кишиларни етиштириб чиқаришга масъул бўладилар.

2) Ақидада:

Аллоҳ таоло пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни одамларга улар барчаси ёлғиз Аллоҳнинг бандалари эканини, фақат Унинг ўзига ибодат қилишлари лозимлигини эълон қилишга буюрди, инсонларни ёлғиз Унинг ўзига боғланишга, ибодатда ўртага ҳеч қандай воситачилар қўймасликка, Аллоҳнинг ўзигагина таваккул қилишга ва фақат Ундангина қўрқишга, умидларини Унинг ўзигагина боғлашга буюрди – чунки фойда ва зарар етказувчи фақат Унинг Ўзидир – ва У зотни У Ўзини сифатлаган ва Расули Уни сифатлаган сифатлар билангина сифатлашга буюрди.

3) Одамлар ўртасидаги алоқаларда:

Аллоҳ таоло мусулмон кишини башариятни куфр зулматидан Ислом нурига олиб чиқишга ҳаракат қиладиган солиҳ инсон бўлишга чақирди. Шунинг учун мен ҳам зиммамдаги вазифанинг бир қисмини адо этиш мақсадида ушбу китобни ёзиш ва нашр қилишга бел боғладим.

Аллоҳ таоло мусулмон кишини бошқалар билан боғлаб турувчи алоқа Аллоҳга иймон келтириш алоқаси бўлишини, шунга кўра у Аллоҳнинг солиҳ ва тоат-ибодатли бандаларини – гарчи бегона бўлсалар-да – дўст тутиши лозимлигини, Аллоҳга кофир ва Расулига осий кимсаларни – гарчи энг яқин кишилари бўлсалар-да – ёмон кўриши лозимлигини уқтирди. Мазкур алоқа насаб, ватан ва моддий манфаатлар асосига қурилган ва узоққа бормай емирилиб кетадиган алоқаларга хилоф ўлароқ, тарқоқ кишилар ўртасини жамлайдиган ва турли эл-элатларни бир-бирига биродар қиладиган алоқадир.

Аллоҳ таоло айтади:

«Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирадиган қавмнинг Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига қарши чиққан кимсалар билан — гарчи улар ўзларининг оталари, ёки ўғиллари, ёки оға-инилари, ёки қариндош-уруғлари бўлсалар-да — дўстлашаётганларини топмассиз» (Мужодала: 22).

«Албатта сизларнинг Аллоҳ наздидаги энг ҳурматлироғингиз тақводорроғингиздир» (Ҳужурот: 13).

Аллоҳ таоло дўстга ҳам, душманга ҳам адолатли бўлишга буюрди, зулмни Ўзига ҳаром қилди ва уни бандалари ўртасида ҳам ҳаром қилди, омонатдор ва ростгўйликка буюрди, хиёнатни ҳаром қилди, ота-онага яхшилик қилишга, қариндошлар билан алоқа қилишга, камбағалларга инфоқ-эҳсон қилишга, хайрия ишларида иштирок этишга буюрди, барчага, ҳатто ҳайвонотларга ҳам яхшилик қилишга буюрди, уларга азоб беришни ҳаром қилди, ҳатто гўшти ҳалол ҳайвонларни сўйишда пичоқни ўткирлашга ва ҳайвонни қийнамасликка буюрди, аммо қутурган ит, илон, чаён, калхат, калтакесак каби зарарли ҳайвонларни ёмонлигидан сақланиш учун ўлдирилади.

4) Инсондаги ички назорат ва ўз-ўзини кузатиш ҳақида:

Қуръони карим оятлари инсонларга қаерда бўлмасинлар, Аллоҳ таоло уларни кўриб туришини, У уларнинг барча амалларини билишини, кўнгилларидан ўтган кечинмаларгача Ундан махфий қолмаслигини, уларнинг гап-сўзларию амалларини ҳисоблаб туришини, малоикалари доим улар билан бирга, улардан содир бўладиган ҳар бир ошкору махфий ишларни ёзиб туришларини, Аллоҳ таоло яқинда буларнинг ҳаммасини ҳисоб-китоб қилишини баён қилган, ушбу ҳаётда Унга осий бўлсалар ва амрларига қарши чиқсалар Унинг аламли азоби уларга етиб қолишидан огоҳлантирган. Мана шунинг ўзи мўминларни Аллоҳнинг маъсиятидан тўсишга кифоя қиларли чора-тадбир бўлди, улар Аллоҳдан қўрқиб гуноҳларни тарк қиладиган бўлдилар.

Аммо Аллоҳдан қўрқмайдиган ва Унинг маъсиятларидан тап тортмайдиган кимсалар учун Аллоҳ таоло мана шу ҳаётнинг ўзида жиловларини тортиб

қўювчи чек-чегаралар тузиб қўйди, яъни мусулмонларни уларга амру маъруф ва наҳий мункар қилишга (яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтаришга) буюрди, ҳар бир мусулмон бошқалар қилаётган гуноҳ учун ўзини Аллоҳ олдида масъул деб ҳис қиладиган бўлди, натижада қодир бўлса қўли билан, қодир бўлмаса тили билан уни ўша гуноҳдан қайтарадиган бўлди.

Ундан ташқари, Аллоҳ таоло мусулмонларнинг раҳбарларини Унинг амрига хилоф чиқиб, жиноятларга қўл урган кимсаларга Қуръон ва ҳадисларда баён қилинган жазоларни қўллашга буюрди. Бу эса жамиятда адолат, тинчлик ва осойишталик барқарор бўлишига олиб келади.

5) Ижтимоий ёрдам ва ҳамкорлик борасида:

Аллоҳ таоло мусулмонларни ўзаро моддий ва маънавий ҳамкорликка ва бир-бирларига ёрдам кўрсатишга буюрди (бунинг баёни закот ва садақалар бобида айтиб ўтилди), одамларга озорнинг ҳар қандай тури билан озор етказишни ҳаром қилди, ҳатто бошқалар тарафидан йўлга ташланган ахлат ва шу каби озорларни кўриб қолган одамни уларни йўқотишга ва йўлдан олиб ташлашга буюриб, унга бу иши учун ажру савоб ваъда қилди.

Аллоҳ таоло мўмин кишига ўзи учун яхши кўрган нарсани биродарига ҳам яхши кўришни, ўзи учун ёмон кўрган нарсани биродарига ҳам ёмон кўришни фарз қилди. Аллоҳ таоло айтади:

«Яхшилик ва тақво йўлида ҳамкорлик қилингиз, гуноҳ ва ҳаддан ошиш йўлида ҳамкорлик қилмангиз!» (Моида: 2).

«Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз оға-инилардир. Бас, сизлар икки оға-инингизнинг ўртасини ўнглаб қўйинглар!» (Ҳужурот: 10).

«Уларнинг кўп махфий суҳбатларидан – агар садақа беришга ё бирон яхшилик қилишга ёки одамлар ўртасини ислоҳ қилишга буюрган бўлмасалар – ҳеч қандай фойда йўқдир. Ким Аллоҳ ризосини истаб бу ишларни қилса, унга улуғ мукофот беражакмиз» (Нисо: 114).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Сизлардан бирингиз ўзига яхши кўрган нарсани биродарига ҳам раво кўрмагунича мусулмон бўлмайди» (Муслим ривояти).

Ҳаётларининг охирги даврида, Ҳажжатул-вадоъда қилган машҳур хутбаларида айтганлар: «Эй одамлар, сизларнинг Раббингиз биттадир, оталарингиз биттадир, огоҳ бўлингки, арабнинг ажам устидан, ажамнинг араб устидан, қоратанлининг қизилтанли устидан, қизилтанлининг қоратанли устидан тақводан бошқа бирон нарса билан афзаллиги йўқдир... Сизларнинг қонларингиз, молларингиз, обрў-номусларингиз бир-бирларингизга худди мана шу ойдаги шу куннинг ва шу шаҳарнинг ҳурмати каби ҳурматлидир».

6) Ички сиёсатда:

Аллоҳ таоло мусулмонларни ўзлари учун бир амир сайлаб, унга байъат беришга, унинг атрофида бирлашишга ва тарқоқ бўлмасликка, ягона бир уммат бўлиб шаклланишга буюрди, амирлари модомики Аллоҳнинг маъсиятига буюрмас эканлар, уларга итоат қилишга буюрди, фақат Яратувчига маъсият қилинган ўринда махлуққа итоат қилинмайди.

Аллоҳ таоло мусулмон кишини – агар у ўз диёрида Исломни ва Исломга бўлган даъватни ошкор қилишга қодир бўлмаса – барча ишларда исломий шариат билан ҳукм қилинадиган ва Аллоҳ нозил қилган дин билан ҳукм юритувчи мусулмон раҳбар бошқарувидаги Ислом диёрларига ҳижрат қилишга буюрди.

Ислом территориал бўлинишларни, миллий ва қавмий жинсия (гражданлик)ларни эътироф этмайди, мусулмон кишининг жинсияси – Исломдир, инсонлар барчаси Аллоҳнинг бандалари, ер Аллоҳнинг ери, мусулмон киши унда Аллоҳнинг шариатига амал қилиш шарти билан, ҳеч қандай тўсиқларсиз кўчиб юришга ҳақлидир, агар шариатга хилоф иш қилса, унга Аллоҳнинг ҳукми ижро этилади. Аллоҳнинг шариатига амал қилиш ва Аллоҳ белгилаб берган жазоларни қўллаш билан тинчлик-осойишталик ўрнайди, одамларнинг ҳаёти барқарор, жону-моллари саломат ва барча яхшиликлар қарор топади. Шариатдан четланишда эса барча ёмонликлар вужудга келади.

Аллоҳ таоло маст қилувчи ва бангивор моддаларни ҳаром қилиш билан ақлларни (мияларни) ҳимоя қилди, маст қилувчи ичимлик истеъмол қилган кимсани 40 даррадан 80 даррагача дарралаш жазосини тайин қилди. Бундан кўзда тутилган мақсад – уни тийиб қўйиш, ақлини сақлаб қолиш, шунингдек, одамларни унинг ёмонлигидан ҳимоя қилиш эди.

Ноҳақ тажовуз қилган кимсадан қасос олиш ва қотилни ўлдириш билан мусулмонларнинг қонларини ҳимоя қилди, етказилган жароҳатларга ҳам қасос жорий қилди, мусулмон кишига ўз жони, обрў-номуси ва молини ҳимоя қилишга изн берди. Аллоҳ таоло айтади: «Сизлар учун қасосда ҳаёт бор, эй аҳли донишлар! Шояд (жиноятлардан) сақлансангизлар» (Бақара: 179).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Ким жонини ҳимоя қилиб ўлса, шаҳиддир. Ким аҳлини ҳимоя қилиб ўлса, шаҳиддир. Ким молини ҳимоя қилиб ўлса, шаҳиддир».

Аллоҳ таоло мусулмон кишини ғийбат қилишни ҳаром қилиш билан ва мусулмонга ҳеч қандай шаръий гувоҳ-исботларсиз зино, ливот каби ахлоқий жиноятлар билан туҳмат қилувчига жазо тайин қилиш билан мусулмонларнинг обрў-номусларини ҳимоя қилди.

Аллоҳ таоло зинони қатъан ҳаром қилиш ва уни гуноҳи кабиралардан деб эътибор қилиш билан насабларни ношаръий аралашиб кетишдан, номусларни ахлоқий жиноятлардан ҳимоя қилди, бундай жиноятни қилган шахсга нисбатан жазо қўллаш шартлари топилса, кескин жазо қўллашга буюрди.

Аллоҳ таоло ўғирлик, хиёнат, қимор, порахўрлик каби ҳаромдан тирикчилик ўтказиш йўлларини ҳаром қилиш билан ҳамда ўғри ва қароқчиларга нисбатан кескин жазолар – яъни шартлари топилса қўлларини кесиш, шартлар тўла бўлмаганда бошқа тийиб қўювчи жазо турлари – қўллаш билан кишиларнинг мол-давлатларини ҳимоя қилди.

Мазкур жазо турларини белгилаган ва уларни қўллашга буюрган зот – Билувчи ва Ҳикмат соҳиби бўлган Аллоҳ субҳанаҳу ва таолодир, У халқларининг аҳволи нима билан ислоҳ бўлишини яхши билади, У уларга ўта раҳмли, ушбу жазоларни жиноят қилган мусулмонларнинг гуноҳларига каффорат бўлиши учун, қолаверса жамиятни уларнинг ёмонлигидан ҳимоя қилиш учун тайин қилди. Қотилни ўлдириш ва ўғрининг қўлини кесишни айблаётган Ислом

душманлари бу билан агар кесиб ташланмаса фасоди бутун жамиятга юқиб, ёйилиб кетадиган касал бир аъзони кесишни айб санаяптилар. Бироқ шу пайтнинг ўзида ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида бегуноҳ инсонларни зўравонлик билан ўлдиришни айб деб билмайдилар.

7) Ташқи сиёсатда:

Аллоҳ таоло мусулмонлар ва уларнинг раҳбарлари зиммасига мусулмон бўлмаган кишиларни куфр зулматларидан ва бу дунё ҳаётининг моддийликларига шўнғишдан ва мусулмонлар баҳраманд бўлаётган руҳий саодатдан маҳрумликдан қутқариб, Иймон нурига олиб чиқиш учун уларни Исломга даъват қилиш вазифасини юклади. Мазкур амри илоҳий билан Аллоҳ таоло мусулмон кишининг жамиики одамзот унинг салоҳияти билан фойдаланадиган ва бутун башариятни қутқаришга ҳаракат қиладиган солиҳ инсон бўлишини кўзда тутган. Башарий манҳажларда эса бунинг аксича, инсондан фақат солиҳ ватандош (граждан) бўлиш талаб қилинади. Бу эса ушбу йўлларнинг фасоди ва нуқсонига, Исломнинг эса салоҳи ва камолига далолат қилади.

Аллоҳ таоло мусулмонлар Исломни ва мусулмонларни ҳимоя қилишлари ва Аллоҳнинг ҳамда ўзларининг душманларини қўрқувга солишлари учун уларни Ислом душманларига қарши имконлари борича куч-қувват ҳозирлашга буюрди. Шу билан бир қаторда, агар вазият талаб қилса, ғайридинлар билан ислом шариати йўриқлари асосида шартномалар имзолашга ҳам рухсат берди, мусулмонларга душманлари билан тузган шартномаларини бузишни ҳаром қилди, фақатгина душман ўзи биринчи бўлиб шартномани бузса ёки шунга олиб келадиган иш қилса, шундагина уни бузишлари мумкин бўлади.

Аллоҳ таоло мусулмонларни ғайридинлар билан уруш бошламасдан туриб аввал уларни Исломга даъват қилишга, агар бош тортсалар улардан жизя тўлаб, Аллоҳнинг ҳукмига бўйсунишни талаб қилишга буюрди, агар бундан ҳам бош тортсалар, шундагина диннинг ҳаммаси Аллоҳники бўлиши учун жанг қилинади.

Уруш қилинган ҳолда ҳам Аллоҳ таоло мусулмонларга гўдаклар, аёллар ва қарияларни, ибодатхоналарида бўлган роҳибларни ўлдиришни ҳаром қилди –

бироқ фикр ёки амалда душманларига ёрдам кўрсатган бўлсалар уларни ўлдириш мумкин бўлади, – уларни асирларларига яхши муомалада бўлишга буюрди. Шундан маълум бўладики, Исломдаги урушдан ҳукмронлик ва ўзгаларни босиб олиш мақсад қилинмайди, аксинча, ҳақни ёйиш, халқларга раҳм-шафқат кўрсатиш ва одамларни махлуқларга ибодат қилишдан Холиққа ибодат қилишга чиқариш мақсад қилинади.

8) Эркинлик борасида:

а) Ақида эркинлиги: Аллоҳ таоло Ислом ҳукми остига кирган мусулмон бўлмаган кишига – Исломни тушунтирилгандан ва Исломга даъват қилингандан кейин – ақида эркинлигини берди, шунда у агар Исломни ихтиёр қилса, унинг саодати ва нажоти шундадир. Борди-ю, ўз динида қолишни ихтиёр қилса, ўзи учун куфрни, бахтсизликни ва дўзах азобини ихтиёр қилган бўлади, бу билан унинг устида ҳужжат барпо бўлади, Аллоҳ таолонинг олдида у учун узр қолмайди. Бу ҳолда мусулмонлар уни бўйин эгиб жизя тўлаш ва Ислом ҳукмига бўйсуниш ҳамда мусулмонлар олдида ўзининг кофирона расм-русумларини ошкор қилмаслик шарти билан ўз ақидасида қолдирадилар.

Аммо мусулмон кишидан Исломга кирганидан сўнг ундан қайтиши – муртад бўлиши қабул қилинмайди. Агар муртад бўлса, Аллоҳга тавба қилиши ва Исломга қайтиши, муртадлиги Исломни бузувчи ишлардан бирортасини қилиш билан бўлган бўлса, ўша ишни тарк қилиш, ёмон кўриш ва Аллоҳга истиғфор айтиши билан ундан тавба қилиши талаб қилинади, акс ҳолда унинг жазоси қатл бўлади. Чунки у ҳақни таниганидан сўнг ундан қайтиши билан яшашга нолойиқ инсонга айланди.

Исломни бузувчи ишлар кўп бўлиб, улардан энг машҳурлари қуйидагилар:

1. Аллоҳ таолога ширк келтириш, яъни Аллоҳ билан бирга бошқа илоҳга сиғиниш; дуо қилиш ва яқинлик ҳосил қилиш билан бўлса-да, уни ўзи билан Аллоҳ ўртасида восита қилиш. Солиҳ кишиларнинг рамзи туширилган бутларга сиғинадиган жоҳилият даври мушрикларига ўхшаб илоҳ ва ибодат маъносини билгани ҳолда ўша илоҳининг улуҳиятини исман ва маънан эътироф этадими, ёки ўзларини тавҳидга чорлаган кишиларни қабул қилмайдиган, ширк дегани

фақат бут-санамларга сиғиниш ва Аллоҳдан бошқасини: «Шу менинг илоҳим» дейиш билан бўлади, деб даъво қиладиган мусулмонлик даъвосидаги мушриклар каби уни Аллоҳ билан бирга илоҳ деб ва унга сиғинишини Аллоҳга сиғиниш деб эътироф этмайдими, фарқи йўқдир.

Улар гўё маст қилувчи ичимлик ичиб туриб, уни ўз номидан бошқача ном билан атайдиган кишиларга ўхшайди, уларнинг ҳолатлари юқорида баён қилинди. Аллоҳ таоло айтади:

«(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), албатта Биз сизга бу Китобни ҳаққирост нозил қилдик, бас сиз Аллоҳга — У зот учун динингизни холис қилган ҳолда ибодат қилинг! (Эй инсонлар), огоҳ бўлингизким, холис дин ёлғиз Аллоҳникидир (яъни ёлғиз Аллоҳгина чин ихлос билан ибодат қилинишга лойиқ зотдир). У зотдан ўзга «дўстлар»ни («худо») қилиб олган кимсалар: «Биз (ўша «худо»ларимизга) фақат улар бизни Аллоҳга яқин қилишлари учунгина ибодат қилурмиз», (дерлар). Шак-шубҳа йўқки, Аллоҳ (қиёмат кунида) улар ихтилоф қилаётган нарсалар хусусида уларнинг ўртасида ҳукм қилур. Шак-шубҳа йўқки, Аллоҳ ёлғончи ва кўрнамак кимсаларни ҳидоят қилмас» (Зумар: 2-3).

«Ана шу Аллоҳ сизларнинг Парвардигорингиздирки, (барча оламларга) подшоҳлик ёлғиз Уникидир. (Эй мушриклар), сизлар У зотни қўйиб илтижо қилаётган бутларингиз эса (хурмо данагини ўраб турувчи) пардача нарсага ҳам эга эмасдирлар. Агар сизлар уларни чорласангизлар, дуоларингизни эшитмаслар. Агар эшитсалар-да, сизларга жавоб қила олмаслар ва қиёмат кунида уларни (Аллоҳга) шерик қилиб олганларингизни инкор қилурлар. (Эй Муҳаммад, дунё-ю, охират ҳақида ҳеч ким) сизга хабардор зот (яъни Аллоҳ) каби хабар бера олмас» (Фотир: 13-14).

2. Мушрикларни, шунингдек яҳудий, насоро, мулҳид, мажусийларни ва Аллоҳ нозил қилгандан бошқа нарса билан ҳукм қиладиган ва Аллоҳнинг ҳукмига рози бўлмайдиган тоғутларни кофир санамаслик. Кимки уларни Аллоҳ кофир санаганини билганидан кейин ҳам кофир санамаса кофир бўлади.

3. Катта ширкни келтириб чиқарувчи сеҳр. Ким сеҳр билан шуғулланувчи кофир бўлишини билгандан кейин ҳам у билан шуғулланса ёки унга рози бўлса кофир бўлади.

4. Исломдан бошқа бирон тузум ёки қонунни Ислом шариатидан кўра яхшироқ деб, ёки қайсидир бир шахснинг ҳукмини Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳукмидан яхшироқ деб, ёки Аллоҳнинг ҳукмидан бошқа ҳукм билан ҳукм қилиш жоиз деб эътиқод қилиш.

5. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни ёки у зотнинг шариатларидан бирон нарсани ёмон кўриш.

6. Ислом динидаги бирон нарсани масхара қилиш.

7. Исломнинг ғалабасини ёмон кўриш ёки унга етган зарардан хурсанд бўлиш.

8. Кофирларни дўст тутган киши кофирлардан ҳисобланишини билиб туриб кофирларни дўст тутиш ва уларга ёрдам кўрсатиш.

9. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шариатларидан чиқиб кетиш ҳеч кимга ва ҳеч қачон дуруст бўлмаслигини била туриб, у зотнинг шариатларидан чиқишни ўзига дуруст санаш.

10. Ислом динидан юз ўгириш.

11. Исломнинг аниқ-тиниқ ҳукмларидан бирон ҳукмни инкор қилиш.

Мазкур Исломни бузувчи ишларга Қуръону Суннатда кўплаб далиллар келган.

б) Фикр эркинлиги: Аллоҳ таоло фикр Ислом таълимотларига зид келмаслиги шарти билан фикр эркинлигини берди ва мусулмон кишини ҳар доим ҳақ сўзни айтишга, бунда маломатчининг маломатидан қўрқмасликка буюрди, буни энг афзал жиҳод деб санади, мусулмон кишини мусулмонларнинг раҳбарларига холис насиҳат қилишга, уларни Исломга зид ишлар қилишдан қайтаришга буюрди, ботилга чақираётган кишини рад қилишга ва бу ишидан қайтаришга буюрди. Бу эса фикрни ҳурматлашнинг энг гўзал шаклидир. Аммо Аллоҳнинг шариатига зид келувчи фикрларни изҳор қилишга йўл қўйилмайди, чунки у бузғунчилик, фасод ва ҳаққа қарши чиқишдир.

в) Шахсий эркинлик: Аллоҳ таоло Исломда шариати исломия доирасида шахсий эркинлик берди, инсонни – эркак бўлсин, аёл бўлсин – ўзи билан бошқалар орасидаги алоқаларида, чунончи олди-сотди, ҳадя, вақф, афв қилиш кабиларда эркин қилди, эркак кишига ҳам, аёл кишига ҳам умр йўлдоши танлаш эркинлигини берди, ҳеч ким ўзи ёқтирмаган кишисига умр йўлдош бўлишга мажбурланиши мумкин эмас, аёл киши диний жиҳатдан ўзига тўғри келмайдиган эрни танлаган бўлса, ақидаси ва шарафини ҳимоя қилиш учун унга турмушга чиқишга рухсат берилмайди, унинг ва оиласининг манфаатини кўзлаб шундай қилинади.

Аёл кишининг валийси (яъни, насаб жиҳатдан яқин эркак қариндоши ёки вакили) уни турмушга узатишга бош-қош бўлиши лозим, чунки аёл киши ўзини ўзи турмушга узатиши мумкин эмас.

Ислом мусулмон кишига Аллоҳ белгилаб берган чегаралардан четга чиқишга рухсат бермайди, зотан унинг ўзи ҳам, қўлидаги бор мол-мулки ҳам Аллоҳникидир. Шундай экан, уларни Аллоҳнинг шариати доирасида тасарруф қилиши лозим. Зотан, Аллоҳ таоло шариатини бандаларига раҳмат қилган, уни маҳкам тутган киши ҳидоят ва бахт-саодатга эришади, унга қарши чиққан киши бахтсизлик ва ҳалокатга маҳкум бўлади. Шу боис Аллоҳ таоло зино ва баччавозликни қатъан ҳаром қилди, мусулмон кишига ўзини ўзи ўлдиришни ва Аллоҳ яратган хилқатини ўзгартиришни ҳаром қилди. Аммо мўйловни қисқартириш, тирноқларни олиш, қўлтиқ ости ва аврат аъзолар атрофидаги тукларни тозалаш ва хатна қилишга Аллоҳ таоло буюрган.

Аллоҳ таоло мусулмон кишини кофирларга хос бўлган ишларда уларга тақлид қилиш ва ўзини уларга ўхшатишдан қайтарди, чунки зоҳирий ишларда уларга ўхшаш ва уларни ёқтириш бориб-бориб уларни чин дилдан яхши кўришга ва уларга астойдил ўхшашга интилишга олиб боради. Аллоҳ таоло мусулмон кишини четдан келган фикрларни қабул қилувчи эмас, соғлом исломий фикр манбаи бўлишини истайди, Аллоҳ таоло мусулмон кишини тақлидчи бўлишини эмас, гўзал намуна бўлишини истайди.

Аммо саноат ва илм-фан соҳаларидаги билимларга келсак, Ислом уларни ўрганишга ва мусулмон бўлмаган кишилар тарафидан бўлса-да қабул қилишга буюради, чунки инсонга бу нарсаларни билдирган зот аслида Аллоҳ таолодир. Аллоҳ таоло айтади: «У зот инсонга унинг билмаган нарсаларини ўргатди» (Алақ: 5).

г) Бошпана эркинлиги: Аллоҳ таоло мусулмон кишига ўз бошпанасига ўзи эгалик қилиш эркинлигини берди, бирон киши унинг изнисиз уйига киришга ёки уйи ичига қарашга ҳақли бўлмайди.

д) Касб қилиш ва ишлаш эркинлиги: Аллоҳ таоло мусулмон кишига шариат доирасида касб қилиш – яъни пул топиш ва уни сарфлаш эркинлигини берди, ўзини ва оиласини боқиш ҳамда яхшилик йўлларига инфоқ-эҳсон қилиш учун касб-ҳунар қилишга ва ишлашга буюрди. Шу вақтнинг ўзида унга судхўрлик, қиморбозлик, порахўрлик, ўғирлик, фолбинлик, сеҳргарлик, зинокорлик, баччавозлик каби ҳаром йўллар билан пул топишни ҳаром қилди, ҳаром қилинган нарсаларнинг пулларини ҳам ҳаром қилди, яъни масалан, жонзотларнинг суратларини чизиб сотиш, маст қилувчи ичимлик, тўнғиз, ҳаром қилинган мусиқа асбоблари сотиш, мусиқачилик ва раққослик билан тирикчилик қилишни ҳаром қилди. Бу каби манбалардан пул топиш ҳаром бўлгани каби шундай ўринларга пул сарфлаш ҳам ҳаромдир. Мусулмон киши ношаръий йўлларга пул-мол сарфлаши асло дуруст бўлмайди.

9) Оила хусусида:

Аллоҳ таоло шариати исломияда оилани мукаммал суратда шакллантирдики, уни ушлаганларга бахт-саодат сабаблари вужудга келади. Ота-онага ширин сўз билан лутф кўрсатишга, агар узоқда бўлсалар давомий суратда зиёратларига бориб туришга, уларнинг хизматларини адо этишга буюрди, агар ота-она ёки улардан бирлари фақир-муҳтож бўлсалар эҳтиёжларини қондиришга, уларга пул-мол сарфлашга буюрди. Ота-онасини қаровсиз қолдирган кишига азоб бўлиши билан огоҳлантирди, уларга яхшилик қилган кишига бахт-саодат ваъда қилди.

Турмуш қуришни машруъ қилди ва унинг машруъ бўлишидаги ҳикматни Ўзининг Китобида ва Расулининг тили билан баён қилди. Жумладан:

1. Турмуш қуриш билан иффат, ҳаромдан (зинодан) сақланиш сабаблари ҳамда кўзни ҳаромга боқишдан асраш вужудга келади.

2. Турмуш қуриш билан эру хотинда бир-бирига нисбатан ишонч ва хотиржамлик пайдо бўлади, чунки Аллоҳ таоло улар ўртасига меҳр-муҳаббат солиб қўяди.

3. Турмуш қуриш билан мусулмонларнинг сони покиза ва шаръий йўл билан кўпаяди.

4. Турмуш қуриш билан эр-хотиннинг ҳар бири ўзининг табиатига мувофиқ келувчи вазифаларни адо этиш билан бир-бирига хизмат қилади.

Эркак киши хонадон ташқарисида ишлаб, бола-чақасини боқади, аёл киши эса уй ичидаги ишлар билан машғул бўлади, болалар тарбияси билан шуғулланади, эрига таом ҳозирлайди, супиради-сидиради. Эр кўчадан чарчаб толиқиб келгач, аҳли-аёли, бола-чақалари даврасида ҳордиқ чиқаради, кўнгли ёзилади. Шу билан бирга эр-хотиннинг ўзаро розилиги билан хотин киши эри билан бирга баъзи ишларни биргалашиб қилишлари, касб-ҳунари билан эрига ёрдамлашиши мумкин, шарти шуки, унинг иши бегона эркаклар кўзидан узоқда бўлиши, уларга аралашиш юзага келмаслиги лозим. Аммо эркаклар билан аралашиб юришга олиб келувчи, корхона, идора, бозор каби жойларда ишлашга аёл кишига рухсат берилмайди, чунки бу нарса аёлнинг фитналарга дучор бўлишига ва жамиятнинг бузилишига олиб келади.

Агар эркак кишига битта хотин кифоя қилмаса, Аллоҳ таоло унга уй-жой, нафақа, бирга ётиб-туришда адолат қилиши шарти билан тўрттагача аёлга уйланишга рухсат берган. Бироқ қалб севгисида адолат шарт эмас, чунки бу инсон қўлидаги иш эмас, Аллоҳ таолонинг: «Ҳар қанча уринсангизлар ҳам хотинларингиз ўртасида адолат қилишга қодир бўлмайсизлар» (Нисо: 129) деган сўзларидаги адолат ҳам мана шу – қалбга оид адолатдир, бу соҳада адолат қилолмаслик бир неча аёлга уйланишдан тўсувчи бўлмайди. Аллоҳ таоло пайғамбарларига ва адолатга қодир бўлган кишиларга кўпхотинлиликка рухсат берди, чунки У бандаларига нима нарсалар мувофиқ келишини яхши билади. Бу эркаклар учун ҳам, аёллар учун ҳам яхшидир. Боиси – соғлом эркак кишида жинсий томондан тўрттагача аёлнинг жинсий эҳтиёжини қондиришга кифоя қиларли имконият бўлади. Шундай экан, эркак кишини насороларда ва

бошқаларда бўлганидек ва айрим ислом даъвосидаги кишилар чақираётганидек, битта хотин билан чеклаб қўйилса (Аллоҳнинг пайғамбари Исо алайҳиссалом кўпхотинлиликни ҳаром қилмаган, балки насоролар ўзлари ҳаволарига эргашиб ман қилишган), у ҳолда қуйидаги бузилишлар келиб чиқади:

Биринчи: Агар Аллоҳдан қўрқадиган, тоат-ибодатли мўмин киши бўлса ҳаётида қандайдир маҳрумликни ҳис қилган ҳолда, нафсини ҳалол эҳтиёжидан тўсган ҳолда яшайди. Чунки аёл кишининг ҳомиладорлик даврининг охирги ойларида, ҳайз, нифос ва касаллик ҳолларида эри ундан фойдаланишдан маҳрум бўлиб, худди бўйдоқдек ҳаёт кечиради. Аёли билан ўрталарида муҳаббат бўлган ҳолда шундай, аммо агар ўртада муҳаббат бўлмаса зарар бундан ҳам каттароқ бўлади.

Иккинчи: Агар эр Аллоҳга осий, хиёнаткор банда бўлса, фаҳшу зинога қадам қўйиб, хотинидан узоқлашади. Кўпхотинлиликни дуруст кўрмайдиган кишиларнинг кўплари одатда чексиз равишда кўп хотинлар билан бузуқчилик қилишади. Бундан ҳам ёмони – шариатда рухсат берилган ишга қарши курашган ва уни айб санаган кимса кофирликка ҳукм қилинади.

Учинчи: Агар кўпхотинлилик ман қилинса, кўп аёллар турмуш қуриш ва фарзанд кўриш бахтидан маҳрум бўлиб қолади, улар ичидаги солиҳа ва покиза аёллар бева ва маҳрум бўлиб яшаса, фожиралари ахлоқсизлик билан кун кечиришга мажбур бўлади.

Маълумки, урушлар, фалокатлар ва хатарли ишларда ишлаш сабабли кўпроқ эркаклар ҳалокатга дучор бўладилар ва шу боисдан аёллар сони ҳамиша эркаклар сонидан кўп бўлиб келган. Ундан ташқари, аёл киши балоғатга етганидан бошлаб турмуш қуришга тайёр бўлади, эркаклар эса кўплари маҳр тўлашга ожизликлари, оила сарф-харажатларини кўтаришга қодир бўлмасликлари туфайли уйланишлари кечикиб кетади. Шундан ҳам Исломнинг аёл кишига нисбатан ғамхўр экани маълум бўлади. Шаръий кўпхотинлиликка қарши курашадиган кишилар эса аёлнинг ҳам, шу билан бир қаторда фазилатнинг ва пайғамбарларнинг ҳам душманидирлар, зеро кўпхотинлилик пайғамбарлар суннати, улар Аллоҳнинг шариати доирасида бир неча аёллар ўртасини жамлаганлар.

Эри бошқа аёлга уйланганда аёл киши ҳис қиладиган маҳзунлик ва рашк туйғуларига келсак, бундай ҳиссиётларни шариатдан муқаддам қўйиш асло дуруст бўлмайди. Аёл киши никоҳдан авал бўлғуси турмуш ўртоғига ўзининг устига бошқа уйланмасликни шарт қилиш ҳуқуқига эга, агар эр бу шартни қабул қилса унга риоя қилишга мажбур бўлади, агар яна уйланишга қарор қилса, аёл киши турмушини сақлаб қолиш ёки ажралиб кетишда ихтиёрли бўлади, ажралиб кетган ҳолда эри унга маҳр қилиб берган нарсаларидан бирон нарсани қайтариб олишга ҳақли бўлмайди.

Аллоҳ таоло, хусусан, эр-хотин ўртасида келишмовчилик кучайган ва бир-бирларига нисбатан кўнгилсизлик пайдо бўлган ҳолларда ҳар иккиси бахтсиз ва уруш-жанжал ичида яшамаслиги ва ҳаётларининг қолган қисмида ўз кўнглидагидек турмуш ўртоқ билан саодатли ҳаёт кечиришлари учун талоққа, яъни ажрашиб кетишга рухсат берди.

10) Сиҳат-саломатлик борасида:

Шариати исломия тибнинг асосларини олиб келган. Қуръони каримда ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисларида кўплаб маънавий ва жисмоний касалликларнинг баёни ҳамда уларни моддий ва руҳий даволаш ҳақидаги кўрсатмалар келган. Аллоҳ таоло айтади: «Биз мўминлар учун шифо ва раҳмат бўлган Қуръон оятларини нозил қилурмиз» (Исро: 82).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар:

«Аллоҳ таоло бирон бир касаллик туширган бўлса, албатта унинг давосини ҳам туширган, билган билади, билмаган билмайди».

«Даволанинг, эй Аллоҳнинг бандалари, ва лекин ҳаром билан даволанмангиз!»

11) Иқтисод, тижорат, саноат ва зироатда,

шунингдек, одамларнинг эҳтиёжлари тушадиган сув, таом, умумий қулайликлар ҳамда уларнинг шаҳар-қишлоқларини асрашга ва пок тутишга, уларда бехавотир юришга, алдов, хиёнат ва бошқаларга қарши курашишга

кафил бўладиган тартиб-интизом борасида. Исломда ушбу айтиб ўтилганларнинг ҳаммаси батафсил ва мукаммал ёритиб берилган.

12) Махфий душманлар ва улардан қутулиш йўллари ҳақида:

Аллоҳ таоло Қуръони каримда мусулмон бандасига уни дунёю охиратда ҳалокат сари судрайдиган душманлари борлигини айтиб, улардан огоҳлантирди ва улардан халос бўлиш йўлини баён қилиб берди.

Ушбу душманларнинг биринчиси – бошқа барча душманларни ҳаракатга келтирадиган ва инсонга қарши қўзғайдиган шайтони лаиндир. У отамиз Одам ва онамиз Ҳаввони жаннатдан чиқарган душманидир, у то қиёмат одамзотнинг абадий душмани, уларни кофир қилишга ва дўзахда ўзи билан бирга абадий қолдиришга жон-жаҳди билан уринади, кофир қилишга кучи етмаган одамларни Аллоҳнинг ғазаби ва азобига дучор қилувчи маъсиятларга туширишга ҳаракат қилади.

Шайтон инсоннинг қон томирлари ичида юради, унинг қалбига васваса солади, гуноҳларни чиройли кўрсатиб, қўлидан келса инсонни гуноҳлар домига тортади. Ундан қутулиш йўли – Аллоҳ таоло баён қилиб берганидек – мусулмон киши жаҳли чиққанда ё бирор маъсиятни қилиш истаги кўнглига келганда: «Аъувзу биллаҳи минаш-шайтонир-рожийм» дейиши ва ўзини босиб, маъсиятга қадам қўймаслигидир. Билмоғи керакки, дилида топаётган гуноҳ ишни қилиш истаги – шайтон томонидан уни ҳалокатга тушириш мақсадида қилинаётган ҳаракатдир. Аллоҳ таоло айтади: «Аниқки, шайтон сизларга душмандир, бас уни душман тутинглар! Шак-шубҳасиз у, ўз фирқасини (яъни ўзига эргашган кимсаларни) дўзах эгалари бўлишлари учун даъват қилур» (Фотир: 6).

Иккинчи душман – хоҳиш-ҳаво: Инсон кўпинча хоҳиш-ҳавосига эргашиб, ўзгалар томонидан айтилган ҳақни қабул қилишга бўйни ёр бермайди, кўнгил истагига зид келгани туфайли ҳатто Аллоҳ таолонинг ҳукмини ҳам рад қилгиси келади. Ҳис-туйғуларни ҳақ ва адолатдан муқаддам қўйиш ҳам нафс-ҳаво сабабли бўлади. Бу душмандан қутулиш йўли – нафс-ҳавоси кўйига кириб қолишдан Аллоҳдан паноҳ тилаши, нафс чақириқларига ижобат қилмаслик,

балки аччиқ бўлса-да, ҳақни айтиш ва ҳақни қабул қилиш, шайтоннинг шарридан Аллоҳдан паноҳ тилашдир.

Учинчи душман – ёмонликка чорловчи нафс: у туфайли инсон кўнглида ёмон ишларни қилишга рағбатни ҳис қилади, зино қилгиси, ичкилик ичкиси келади, Рамазонда узрсиз рўза тутгиси келмайди ва ҳоказо. Бу душмандан қутулиш йўли – банда Аллоҳ таолодан ўз нафсининг ёмонлигидан ва шайтоннинг шарридан паноҳ тилаши, ҳаром кўнгил истакларидан сабр қилиши, Аллоҳнинг розилигини истаб улардан тийилиши – бу худди еб-ичса соғлигига зиён етказадиган, бироқ нафси хоҳлаётган нарсаларни истеъмол қилишдан тийилишга ўхшайди – ва бу ҳаром кўнгил истаклари тезда завол топишини ва ортидан ҳасрат-надоматлар келишини эслашидир.

Тўртинчи душман – инсон шайтонларидир: улар инсонлар ичидаги шайтоннинг йўриғига йўрғалаган, маъсият ботқоғига ботган кимсалар бўлиб, гуноҳ ишларни тап тортмай қилишади ва бошқаларга ҳам уни чиройли кўрсатишади. Бу душмандан қутулиш йўли – ундан огоҳ бўлиш, имкон қадар қочиш ва бирга ўтирмасликдир.

13) Олий мақсад ва саодатли ҳаёт хусусида:

Аллоҳ таоло мусулмон бандаларини йўллаган олий мақсад – бу дунё ҳаёти ва ундаги фоний рағбатлар эмас. Балки у – ҳақиқий ва абадий келажакка, яъни ўлимдан кейинги охират ҳаётига ҳозирлик кўришдир. Чин мусулмон киши бу дунёни охират ҳаётига етказувчи восила ва охиратнинг экинзори деган эътибор билан амал қилади, дунё ҳаётини асосий ғоя деб кўрмайди.

У Аллоҳ таолонинг қуйидаги оятларини доим ёдида тутади:

«Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим» (Ваз-зариёт: 56).

«Эй мўминлар, Аллоҳдан қўрқинглар ва (ҳар бир) жон эрта (Қиёмат Куни) учун нимани (яъни қандай эзгу амални) тақдим этганига қарасин! Аллоҳдан қўрқинглар! Албатта Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир. Сизлар Аллоҳни унутиб қўйган (яъни, У зотнинг амр-фармонларига итоат этмаган), бас

(шундан кейин Аллоҳ) уларга ўзларини ҳам унуттириб қўйган (яъни, ўзларига охиратда фойда берадиган амаллар қилишдан юз ўгиртириб қўйган) кимсалар каби бўлмангиз! Ана ўшалар фосиқ-итоатсиз кимсалардир! Дўзах эгалари билан жаннат эгалари баробар бўлмас. Жаннат эгалари (бахт-саодатга) эришгувчи зотлардир» (Ҳашр: 18-20).

«Бас, ким (ҳаёти-дунёдалик пайтида) зарра мисқоличалик яхшилик қилса (Қиёмат Кунида) ўшани кўрур. Ким зарра мисқоличалик ёмонлик қилса уни ҳам кўрур!» (Залзала: 7-8).

Ҳақиқий мусулмон Аллоҳ таолонинг бандаларини яратишдан бўлган мақсадини ва уларни кутиб турган аниқ оқибатларни билишга йўлловчи бу каби оятлари ҳақида тафаккур юритади, ибодатни холис Унинг ўзига қилиш ва Уни рози қиладиган ишларни қилиш билан ўша ҳақиқий, абадий келажакка ҳозиргарлик кўради, тоат-ибодати билан Унинг розилигини талаб қилади, Аллоҳ буюрган ибодатларни қилиб, Унга муножот қилиш билан лаззатланади, тилида ва дилида Аллоҳни зикр қилиб, кўнгли осойишталик топади.

Сўздаю ишда одамларга фақат яхшилик кўзлайди, қилган яхшилиги учун яхшилардан ташаккур ва дуо эшитиб кўнгли яйрайди, пасткаш ва ҳасадгўй кимсаларнинг кўролмасликлари уни яхшиликдан тўсмайди, чунки у қилган яхшилигина фақат Аллоҳ ризоси учун, Ундан ажру савоб кутиб қилади. Исломни ва мусулмонларни ёмон кўрадиган ярамас кимсалар томонидан Аллоҳнинг пайғамбарларига айтилгани каби истеҳзо ва камситиш сўзларини эшитади, бу унинг Исломга бўлган муҳаббатини ва саботини кучайтиради.

Пешона тери тўкиб, ҳалол меҳнат билан оиласини тебратади, меҳнатининг ҳосиласи билан Исломга ва мусулмонларга манфаат етишини истайди.

Ўзига етган ҳар бир неъматнинг шукрини ўша неъматни фақат Аллоҳ тарафидан эканини эътироф этиш билан ва уни Аллоҳнинг тоатига ишлатиш билан адо этади.

Баъзан бошига тушадиган очлик, қўрқув, муҳтожлик, касаллик ва мусибатлар ўзи учун Аллоҳ тарафидан имтиҳон эканини билади, уларга сабр қилади, рози бўлади, ҳар қандай ҳолатида ҳам Аллоҳга шукр қилади, шунда у учун мусибатлар енгил бўлади.

Мусулмон киши ҳаётда Аллоҳ буюрганидек, мана шундай баланд руҳ билан, ҳақиқий ва абадий келажак учун яшаса, шак-шубҳасиз, у бу дунё ҳаётида ҳам, охиратда ҳам саодатли инсон бўлади. Аллоҳ таоло айтади:

«Биз ўша охират диёрини ер юзида зулму-зўравонлик ва бузғунчилик қилишни истмайдиган кишилар учун қилурмиз. Оқибат тақво қилувчи кишиларникидир» (Қасас: 83).

«Эркакми ё аёлми – кимда-ким мўмин бўлган ҳолида бирон яхши амал қилса, Биз унга покиза ҳаёт ато этамиз ва уларни ўзлари қилиб ўтган амалларидан чиройлироқ ажр-савоблар билан мукофотлаймиз» (Наҳл: 97).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Мўминнинг ҳоли қизиқ, унинг барча ишлари у учун яхшидир. Агар хурсандчилик етса, шукр қилади, бу у учун яхшидир, агар мусибат етса сабр қилади, бу ҳам у учун яхшидир».

Бу билан маълум бўладики, энг тўғри фикр, гўзаллик ва қабоҳатнинг энг тўғри ўлчови, комил ва адолатли манҳаж ёлғиз Исломдадир. Психология, жамиятшунослик, таълим-тарбия, сиёсат, иқтисод каби башарий йўл ва манҳажлар барчаси Ислом йўриқлари асосида кўриб чиқилиши ва ундан мададланиши лозим. Акс ҳолда, ушбу тузумлар эгаларининг дунёю охиратдаги оқибатлари бахтсизликдан бошқа нарса бўлмайди.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ: АЙРИМ ШУБҲАЛАР ҲАҚИДА

Биринчи: Исломга зарар келтирадиган одамлар:

Исломга асосан икки турли одамлар зарар келтирадилар:

Биринчи тур: Исломга нисбатланган, ўзларини мусулмон санайдиган, бироқ гап-сўзлари ва ишлари Исломга зид одамлар. Улар қилаётган ишлардан Ислом

покдир, уларга қараб Исломга баҳо берилмаслик, уларнинг ишларини Исломга нисбатламаслик лозим. Улар бир неча тоифадир:

а) Ақидалари бузуқ кишилар: қабрларни тавоф қилиб, уларда ётган ўликлардан ҳожатларини талаб қиладиган, улар фойда ё зиён етказишга қодир деб гумон қиладиган кишилар.

б) Мусулмончиликнинг номидан бошқа ҳеч нарсаси йўқ, ахлоқсиз кишилар. Улар Аллоҳнинг фарзларини тарк қилишади, зино, ичкилик ичиш каби ҳаром ишларни қилишади, Аллоҳнинг душманларини дўст тутишади, уларга ўхшашга ҳаракат қилишади.

в) Ўзлари мусулмон, бироқ иймонлари заиф, Исломга амал қилишлари нуқсонли, айрим фарзу вожибларга бепарво, бироқ уларни бир йўла тарк қилишмайди, ширк ёки куфр даражасига етиб бормайдиган баъзи мункар ишларни қилишади, Ислом ман қилган ва гуноҳи кабира деб санаган ёлғончилик, хиёнаткорлик, ваъдага хилоф қилиш, ҳасад каби ёмон ва ҳаром одатларга одатланишган.

Бу хил одамлар Исломга зарар келтиришади, чунки мусулмон бўлмаган одамлар Ислом уларга шу ишларни қилишга рухсат берган, деб ўйлаб қолишади.

Иккинчи тур: Исломга душман бўлган ва уни ёмон кўрадиган одамлар. Шарқшунослар, насроний ва яҳудий миссионерлар, шунингдек, уларга эргашган, Исломнинг камоли, бағрикенглиги ва тез суръат билан ёйилиб боришига чидаёлмай унга нафрат билан қарайдиган кишилар. Зеро, Ислом фитрат (инсон табиати) дини[1], кирланмаган тоза табиатлар уни биринчи кўришдаёқ қабул қилади. Мусулмон бўлмаган ҳар қандай инсон беқарорликда, ўз дини ва йўлидан кўнгли тўлмай яшайди, чунки у унинг Аллоҳ табиатлантириб қўйган табиатига мувофиқ келмайди. Фақат ҳақиқий мусулмон одамгина ўз динидан ва табиатига мувофиқ келувчи шариат қонунларидан кўнгли қониқиб яшайди.

Исломга нафрат кўзи билан қаровчи шарқшунос ва миссионерлар Исломга ва унинг улуғ пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам шаънларига бўҳтонлар қилиб, гоҳо у зотнинг рисолатларини ёлғонга чиқаришади, гоҳо у зотдан қандайдир айбу нуқсон топишга уринишади, гоҳо Исломнинг адолатли

ҳукмларидан баъзиларини булғаб кўрсатиб, одамларни ундан нафратлантирмоқчи бўлишади. Бироқ, Аллоҳ таоло уларнинг фириб-найрангларини йўққа чиқаради, чунки улар ҳаққа қарши курашмоқдалар, ҳақ эса ҳеч қачон мағлуб бўлмайди. Аллоҳ таоло айтади: «Улар Аллоҳнинг нурини (яъни Исломни) оғизлари (яъни беҳуда гаплари) билан ўчирмоқчи бўлурлар. Аллоҳ эса, гарчи кофирлар истамасалар-да, Ўз нурини (яъни динини) тўла (яъни ҳар тарафга) ёювчидир. У (Аллоҳ) Ўз пайғамбарини ҳидоят ва ҳақ дин билан — гарчи мушриклар истамасалар-да — барча динларга ғолиб қилиш учун юборган зотдир» (Саф: 8,9).

Иккинчи: Исломнинг асосий манбалари

Эй оқил, соф Исломни ўрганмоқчи бўлсангиз, Қуръон ўқинг, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг «Саҳиҳ Бухорий», «Саҳиҳ Муслим», «Муватто имом Молик», «Муснад имом Аҳмад», «Сунан Абу Довуд», «Сунан Насоий», «Сунан Термизий», «Сунан Ибн Можа», «Сунан Доримий» каби саҳиҳ ҳадис тўпламларида келган ҳадисларини ўқинг, Ибн Ҳишомнинг «ас-Сийратун-набавийя»сини, аллома Исмоил ибн Касирнинг «Тафсиру Қуръонил-Азим»ини, аллома Ибнул Қаййимнинг «Зодул-маъод фий ҳадйи хойрил-ибад» китобини, шунингдек, тавҳид ва даъват соҳиблари бўлган бошқа буюк имомларнинг асарларини ўқинг.

Аммо шарқшуносларнинг ва Исломга мансуб бўлатуриб унга қарши ишларга чақирадиган ёки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам асҳоблари шаънига нолойиқ сўзларни айтадиган ёки тавҳидга чақирувчи улуғ имомлар шаънини булғашга уринадиган кимсаларнинг китобларини четга улоқтиринг, улар зарарли ва залолатга бошлайдиган китоблардир.

Учинчи: Исломий мазҳаблар:

Ҳамма мусулмонлар фақат битта мазҳаб (йўл)да – Исломда бўлиб, манбалари Қуръон ва Ҳадисдир. Исломий мазҳаблар деб номланувчи тўрт мазҳаб – Ҳанафий, Шофеъий, Моликий ва Ҳанбалий мазҳаблари аслида исломий фиқҳ мактаблари бўлиб, мазкур имомлар ўз шогирдларини унда ўқитганлар, ҳар бир имомнинг шогирдлари у Қуръону Ҳадисдан истинбот қилган (чиқариб олган) қоида ва масалаларни ёзиб, ўша масалаларни унга нисбат берганлар ва кейинроқ унинг мазҳаби деб номланган. Ушбу мазҳаблар Исломнинг усул-асосларида бир, барчасининг манбаси Қуръон ва Ҳадис, ўрталарида мавжуд бўлган айрим ихтилофлар фаръий масалалардадир. Ҳар бир имом шогирдларига фақат Қуръону Ҳадис билан далилланган сўзларни – гарчи ундан бошқаси айтган бўлса ҳам – олишга буюрганлар.

Мусулмон киши улардан бирини албатта олишга эмас, балки Қуръону Ҳадисга қайтишга буюрилган.

Мазкур мазҳабларга мансуб кишилар орасида содир бўлаётган ақидада четга оғишлар, яъни қабрларни тавоф қилиб, ўликлардан мадад сўрашлари ёки Аллоҳнинг сифатларини таъвил қилиб, зоҳирий маъноларидан буриб юборишлари кабилар ўз мазҳаблари имомларининг ақида борасидаги сўзларига хилоф ишлардир. Зеро, имомларнинг ақидалари салаф солиҳнинг ақидаси эди.

Тўртинчи: Исломга ёт фирқалар:

Ислом оламида исломга ёт фирқалар мавжуд, улар ўзларини Исломга нисбат беришади, мусулмонлик даъво қилишади, аслида эса Исломдан бегоналар, чунки ақидалари Аллоҳга, Унинг оятларига, ваҳдониятига куфр келтириш ақидасидир. Қуйида бу фирқаларнинг баъзилари ҳақида сўз боради:

Ботиния фирқаси: Ҳулул[2] ва таносух[3]га эътиқод қилишади, диндаги нас (далил, яъни оят ва ҳадис)ларнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам баён қилган ва мусулмонлар иттифоқ қилишган зоҳирий маъноларига зид бўлган бошқа – ботиний маънолари ҳам бор, деб даъво қилишади, бу ботиний маъноларни ўз хоҳиш-ҳаволарига мувофиқ тўқиб олишади.

Ботинийларнинг келиб чиқиш тарихи: Исломнинг кенг тарқалиб боришидан талвасага тушган яҳудлар, мажусийлар ва Форс мамлакатидаги худосиз файласуфлардан бир гуруҳи йиғилишиб, мақсади мусулмонлар бирлигини парчалаб ташлаш ва Қуръони карим маънолари борасидаги фикрларни чалкаштириш бўлган бир мазҳаб тузишга келишиб олдилар, сўнг шундай бузғунчи фирқа тузиб, унга даъват қила бошладилар ва авом халқни тортиш осон бўлиши учун уни аҳли байтга (пайғамбар хонадони аҳлига) нисбатладилар ва ўзларини аҳли байтнинг шиасидан (гуруҳидан) деб даъво қилдилар, авом ва жоҳил халқдан кўпларини йўлдан уриб, залолатга бошладилар.

Мазкур фирқалардан бири – Ғулом Аҳмад Қодиёнийга нисбатланувчи Қодиёния фирқасидир. Ушбу шахс пайғамбарлик даъво қилиб чиқди ва Ҳиндистон ва унинг атрофида одамларни ўзига иймон келтиришга чақирди. Инглизлар Ҳиндистонни мустамлака қилган даврларида уни ва унга эргашганларни ишга солдилар, унга ва тарафдорларига кенг шароит ва имкониятлар яратиб бердилар, мўл-кўл мол-дунёларга кўмиб ташладилар, шу туфайли кўплаб жоҳил одамлар уларга эргашиб кетди, оқибатда Ислом билан ниқобланган, мақсади Исломни вайрон қилиш ва қўлларидан келган ҳар бир кишини Ислом доирасидан чиқариш бўлган Қодиёния фирқаси вужудга келди. Ушбу шахс «Аҳмадия далилларини тасдиқлаш» деб номланган китоб ёзиб, унда ўзини пайғамбар деб эълон қилди ва Исломдаги нас (оят ва ҳадис)ларни ўзгартирди. Жумладан, у Исломда жиҳоднинг бекор қилинганини ва ҳар бир мусулмон инглизларни дўст тутиши лозимлигини даъво қилди. Шунингдек, у «Қалблар малҳами» деган китоб ёзгани ҳам маълум. Ушбу каззоб кўпчиликни йўлдан адаштиришга муваффақ бўлди. Вафот этгач (1908 й), унинг даъвати ва адашган тоифасига бошлиқлик Ҳаким Нуриддин деган кимсанинг қўлига ўтди.

Исломга бегона бўлган ботиний фирқалардан яна бири «Баҳоийя» деб аталган фирқа бўлиб, унга милодий 19 аср бошларида Эронда Алий Муҳаммад – ёки Муҳаммад Алий Шерозий – деган одам асос солган. У шиаларнинг ўн иккилик (яъни 12 имомнинг маъсумлигига эътиқод қилувчи) фирқасидан эди. Мустақил бир мазҳаб тузиб, ўзини кутилаётган Маҳдий деб эълон қилди. Кейинроқ эса Аллоҳ таоло унинг вужудига ҳулул қилганини (тушиб ўрнашганини) ва у одамлар учун илоҳга айланганини даъво қилди, қайта тирилишни, ҳисоб-китобни, жаннат ва дўзахни инкор қилди, кофир браҳман ва буддистлар йўлини ушлади, яҳуд, насоро ва мусулмонлар ўртасини бирлаштириб, улар ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ, деб эълон қилди, сўнг Муҳаммад соллаллоҳу

алайҳи ва салламнинг пайғамбарликларини инкор қилди, Ислом ҳукмларидан кўпларини рад қилди. Ўлганидан сўнг унинг ишини Баҳо номлик ёрдамчиси давом эттириб, унинг даъвати кенг ёйилишига ва издошлари кўпайишига сабаб бўлди, шу боисдан бу фирқа унинг номига нисбатланиб, «Баҳоийя» деб аталди.

Исломга ёт фирқалардан яна бири – гарчи мусулмонлик даъво қилса, намоз ўқиса, рўза тутса ва ҳаж қилса-да – Жибрил алайҳиссалом рисолатни етказишда хиёнат қилган, у аслида Алий розияллоҳу анҳуга юборилган пайғамбарликни Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга олиб келган, деб даъво қиладиган кўпсонли Рофиза-шиалик фирқасидир. Улардан баъзилари ҳатто Алийни илоҳийлаштиради, унинг шахсини муқаддаслаштиришда, унинг авлодларини, аёли Фотима ва унинг онаси Хадижа розияллоҳу анҳум шахсларини улуғлашда ғулув кетишади, уларни Аллоҳ таологa шерик қилиб, уларга дуо қилишади, уларни маъсум (гуноҳдан пок) деб, Аллоҳ таоло ҳузуридаги даражалари пайғамбарларнинг даражаларидан юқори деб эътиқод қилишади.

Яна улар: Ҳозирда мусулмонларнинг қўлларида бўлган Қуръонда зиёдалик ва нуқсонлар бор, дейишади ва ўзларига хос қуръонлари бор бўлиб, унга ўзлари томонидан тўқилган оятлар ва сураларни қўшишган. Улар Ислом умматининг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кейинги энг афзал кишилари бўлмиш Абу Бакр ва Умар розияллоҳу анҳумони, шунингдек, мўминларнинг онаси бўлмиш Оиша розияллоҳу анҳони сўкиб, ҳақоратлашади, мусибат ва машаққат пайтларида ҳазрат Алий ва у кишининг авлодларига дуо қилиб, улардан мадад тилайдилар, ҳолбуки Алий розияллоҳу анҳу ҳам, у кишининг авлоди ҳам улардан безордирлар. Чунки улар у зотларни Аллоҳ таологa шерик қилишади, Аллоҳ шаънига ёлғонлар тўқиб, Унинг Каломини ўзгартиришади. Аллоҳ улар айтаётган сўзлардан пок ва олийдир.

Биз юқорида зикр қилган бу кофир фирқалар Ислом ниқоби остида уни вайрон қилишга ҳаракат қиладиган бузғунчи фирқаларнинг айримлари эди. Эй оқил, огоҳ бўлингки, Ислом дегани қуруқ даъвонинг ўзи билан бўлмайди, балки у Қуръонни ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳадисларини ўқиб-ўрганиш ва уларга амал қилиш демакдир. Шундай экан, Қуръон ва Ҳадисларнинг мағзини чақишга уриниң, шунда сизни Раббул оламийн ҳузуридаги жаннат неъматлари ичра абадий бахт-саодатга эриштирувчи ҳидоят ва нурни топасиз.

НАЖОТГА ЧОРЛОВ

Ҳали Исломга киришга мушарраф бўлмаган эй оқил ва оқила инсон! Ушбу нажот ва саодат сари чорловим сизга аталган:

Ўз жонингизни Аллоҳнинг қабр азобидан, кейин эса дўзах азобидан қутқариб қолинг!

Аллоҳни Роб деб, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни расул деб, Исломни дин деб иймон келтириш билан жонингизни қутқаринг, чин дилдан: «Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадун Расулуллоҳ» денг, беш вақт намоз ўқинг, молингизнинг закотини адо этинг, қодир бўлсангиз Байтуллоҳни ҳаж қилинг!

Исломингизни эълон қилинг, зеро нажот ва саодатингиз фақат шу билан рўёбга чиқажак!

Мен яккаю ягона маъбуд бўлмиш буюк Аллоҳ номи билан қасам ичиб айтаманки, Ислом ягона ҳақ дин, Аллоҳ таоло ундан ўзга ҳеч қандай динни ҳеч кимдан ҳеч қачон қабул қилмайди. Мен Аллоҳни, Унинг малоикаларини ва барча махлуқотини гувоҳ қилиб айтаманки, бир Аллоҳдан ўзга барҳақ маъбуд йўқ, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг пайғамбари ва мен мусулмонларданман.

Аллоҳ таолодан мени, зурриётимни ва барча мусулмон биродарларимни ҳақиқий мусулмон ҳолда вафот топтиришини, сўнг барчаларимизни улуғ пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва бошқа пайғамбарлар билан, пайғамбаримизнинг аҳли ва асҳоблари билан жаннат неъматлари ичра бирга қилишини сўрайман.

Ушбу китобни ўқиган ёки эшитган ҳар бир кишига уни манфаатли қилишини Аллоҳ таолодан сўраб қоламан.

Парвардигорим, етказдимми? Ўзинг гувоҳ бўлгайсан.

Аллоҳ таоло пайғамбаримизга, у зотнинг аҳли ва асҳобига салавот ва саломлар йўлласин, бутун оламлар Робби бўлган Аллоҳ таологa ҳамду санолар бўлсин.

[1] Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Ҳар бир туғилган бола фитрат устида туғилади, сўнг ота-онаси уни яҳудий ё насроний ё мажусий қилиб тарбиялайди». Демак, мазкур саҳиҳ ҳадисда айтилишича, инсон Ислом фитрати-табиатида туғилади, яъни уни тоза фитрати билан қўйилса ҳеч иккиланмай Исломни танлайди, яҳудия, насрония, мажусия ёки бошқа дин ва ботил йўлларни танлашига унинг кўрган тарбияси сабаб бўлади.

[2] Табиат худонинг тажассумидир деб ҳисобловчи фалсафий таълимот, пантеизм.

[3] Киши ўлганидан кейин унинг руҳи бошқа танага кўчиб юришини даъво қилиш, метемпсихоз.